Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади
janubiy.kz
2026 йил 14 март, шанба, №28 (3674).

Президент




# КУЧЛИ МИНТАҚАЛАР – КУЧЛИ МАМЛАКАТ

**Давлат раҳбари тадбирда билдирилган таклиф ва ғоялар келгусида инобатга олинишини таъкидлади. Унинг таъкидлашича, мазкур анжуман мамлакат учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда барча минтақалардан икки мингга яқин депутат иштирок этди.**

Президент депутатлар аҳоли билан бевосита ишлаб, уларнинг эҳтиёж ва талабларини яхши билишини қайд этди. Шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилганини таъкидлади.

Қ. Тўқаев давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани замонавийлаштириш жараёнида маслаҳатлар зиммасига муҳим вазифалар юкланишини қайд этди. Унинг таъкидлашича, ўтган даврда “Кучли минтақалар – кучли мамлакат” тамойили асосида маслаҳатларнинг нуфузи оширилди ва улар давлатнинг муҳим тизимларидан бирига айланди.

Шу билан бирга, маслаҳатлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун олдинда турган вазифалар ҳам кўп эканлиги қайд этилди.

– Бироқ маслаҳатлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун олдимизда ҳали кўп вазифалар турибди, – деди Давлат раҳбари. – Уларнинг айримларига тўхталиб ўтаман.

**БИРИНЧИ.** Минтақалар ўз бюджетини пухта режалаштириш ва даромадларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишлари керак.

Ҳокимлар ва барча даражадаги маслаҳат депутатлари ягона жамоа сифатида, аввало давлат манфаатларига хизмат қилиши зарур. Минтақалардаги маслаҳатлар ва ҳокимликлар бюджетдаги ҳар бир тенге мамлакат тараққиётига йўналтирилишини таъминлаши шарт.

**ИККИНЧИ.** Маслаҳатлар ваколатларини янада кенгайтириш ва аниқ белгилаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий ҳокимлик тизимида уларнинг роли кучайтирилиши лозим.

Ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувларида фуқаролар кўплаб муаммоларни илгари суриб, турли саволлар беради. Бу каби масалаларни самарали ҳал этиш учун депутатлар назоратни кучайтириб, ҳокимлар билан ҳамкорликда ишлашлари зарур.

Илгари маслаҳатларга котиблар раҳбарлик қилган бўлса, ҳозир уларга раислар бошчилик қилмоқда. Менимча, бу тўғри қарор. Бироқ уларнинг ваколати ҳам икки муддатдан ошмаслиги керак.

Бу ёндашув касбий депутатлар корпусини шакллантиришга, унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**УЧИНЧИ.** Маслаҳатлар олий қонунчилик тизими учун кадрларни тайёрлашда фаол иштирок этиши лозим.

Ҳокимлик вакиллари барча даражада халқ билан очиқ ва амалий мулоқот олиб боришни билиши керак. Тушаётган мурожаатлар турли тоифадаги одамлардан келмоқда. Бироқ ҳақиқатан ёрдамга муҳтож инсонлар ҳам кўп ва биз уларга ёрдам беришга мажбурмиз.

Ҳозирда минтақалардан марказга келаётган мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Ўтган йили Президент Маъмуриятига тахминан 83 минг мурожаат келиб тушган, бу эса аввалги йилга нисбатан 30 фоизга кўпдир.

Аслида, кўтарилаётган масалаларнинг аксариятини маҳаллий даражада, тегишли чоралар кўриб, тезкор ҳал этиш мумкин эди.

Шу билан бирга, минтақаларни ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини ошириш ва давлат ҳокимиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш сизларнинг фаолиятингизга бевосита боғлиқ эканини доимо ёдда тутиш керак.

Яна бир муҳим масала – тўлақонли рақамли давлатни шакллантиришдир. Бу вазифанинг мамлакатимиз учун нақадар аҳамиятли эканини яхши биласизлар. Маслаҳатлар ҳам бу жараёндан четда қолмаслиги лозим.

Давлат бошқаруви тизимининг барча соҳаларига илғор технологиялар ва сунъий идрокни жорий этиш стратегик аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши Қозоғистоннинг келажагига бевосита таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан депутатларни ҳам бу ишга фаол жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, депутатларнинг касбий даражаси ва рақамли кўникмаларини ошириш ҳам жуда муҳим. Акс ҳолда барча саъй-ҳаракатлар бесамар бўлиши мумкин.

Бу вазифа билан Давлат бошқаруви академияси изчил шуғулланиши керак. Маълумотларга кўра, яқин вақтларда бу борада аниқ натижаларга эришиш мумкин.

Халқ ишончини амалий ишлар билан оқлашдан ортиқ шараф йўқ. Негаки, депутат бўлиш – халқ вакили бўлиш демакдир. Бу лавозим алоҳида мақом ва юксак масъулият талаб қилади. Халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, мамлакатга садоқат билан хизмат қилган инсонгина ҳақиқий халқ вакили деб аталиши мумкин.

Жамоатчилик ишончига путур етказадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик керак. Бундай ҳолатлар бутун давлат девони ва ҳокимият тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мен олдингизда турган вазифаларнинг қанчалик улкан эканини чуқур англаб, ўз бурчингизни виждонан бажаришда давом этишингизга ишонаман.

**Азиз ватандошлар, ҳурматли анжуман иштирокчилари!**

Бугун Ер куррасида яшовчи одамлар “турбулентлик” деган сўзга аллақачон ўрганиб қолишди. Илгари бу атама асосан самолётда учиш пайтида, ҳаво кемаси турбулентлик ҳудудига кирганида учувчилар йўловчиларни огоҳлантириш учун ишлатилар эди. Ҳозир эса бу сўз халқаро вазиятни тасвирлашда сиёсатчилар ва экспертлар томонидан анча кўп қўлланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бутун дунё бугунги кунда беқарорлик ва ноаниқлик шароитида яшашга мубтало бўлган. Шу ўн йилликда ҳар бир йил, аввалгиларидан ҳам мураккаб ва синовли бўлмоқда.

Бу жараён ижтимоий тармоқларда ҳам ўз аксини топмоқда: ҳақиқат ва нотўғри маълумотлар, ёлғон маълумот ва хабарлар, қайғу ва трагедиялар эса байрам ва хушнудлик билан аралашиб кетган. Бугунги дунё айнан шундай – сунъий идрок асрига қадам қўйган замон.

Сўнгги икки ҳафта бутун жаҳон ҳамжамияти ер юзида ҳаёт қанчалик хатарли, ноаниқ ва ҳақиқатан ҳам “турбулент”, яъни беқарор эканлигини кўрсатди.

Ҳатто иқтисодий жиҳатдан барқарор кўринадиган, тинч давлатлар ҳам бир лаҳзада дунёвий можаро, тўғриси, урушга жалб этилди. Бу уруш эса Каспийбўйи давлатида, бизга яқин жойда авж олди.

Ҳозирданоқ аёнки, Яқин Шарқдаги вазият кескинлашуви дунёвий хавфсизлик асосини йўқотиб, дунёнинг иқтисодий ҳолатига салбий таъсир кўрсатди.

Шундай хатарли вазиятнинг юзага келиши машҳур давлат раҳбарлари ўртасида ишонч йўқолиши, йирик давлатлар ўртасидаги низолар, тинч ҳамкорлик руҳияти ва тамойилларининг заифлашуви, халқаро ҳуқуқларни инобатга олмаслик ва БМТ нуфузининг мисли кўрилмаган даражада пасайиши натижасидир.

Агар ўн йил муқаддам сиёсатчилар дунё йўл танлай олмай, муаммолар гирдобида қолгани ҳақида хабар берган бўлса, ҳозир эса барча бир овоздан жаҳон урушининг яқинлашиши ҳақида огоҳлантирмоқда. Бу уруш барча давлатларнинг манфаатларига дахл қилиши мумкин.

Геосиёсий, ҳарбий, иқтисодий, технологик ва иқлим билан боғлиқ хавфлар кўпаймоқда ва бу энг салбий жараёнлар хавфини янада кучайтиради.

(Давоми 2-бетда).

Наврўзнома – 2026

# ЭЗГУ АНЪАНАЛАР КАРВОНИ

**Наврўз қадимдан бизгача етиб келган миллий қадриятларимиздан бири – байналмилал байрамдир. Унинг таркибига ота-боболаримизнинг маънавият олами сингиб кетган бўлиб, у инсоният маданий тараққиётининг ҳар бир ютуғидан доимо куч-қувват олиб турган. Шуни таъкидлаш жоизки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Бу куни вужудга келган руҳий кўтаринкилик кишиларни эртанги кунга яхши умидлар боғлашга, порлоқ келажакка ишонч билан қарашга, ҳаётни янада гўзал қилишга ундайди.




### САЛОМЛАШИШ КУНИ

Бу кун одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳурмат ва самимиятни мустаҳкамлашга бағишланади. Инсонлар бир-бирини илиқ сўзлар билан қутлаб, яхши ниятлар билдиради.

### ХАЙРИЯ КУНИ

Ушбу кунда саховат ва меҳр-шафқат фазилатлари улуғланади. Эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш, савобли ишлар қилиш орқали жамиятда инсонпарварлик қадриятлари тарғиб этилади.

### ЧАНҒАРОҚ КУНИ

Чанғароқ – оила бирлиги ва уй-рўзғор рамзи. Бу кун оилавий қадриятлар, авлодлар давомийлиги ва хонадон тинчлигини қадрлашга бағишланади.

### МАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР КУНИ

Халқимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари ва урф-одатлари тарғиб қилинади. Миллий қадриятлар, халқ санъати ва маданий меросга ҳурмат ифодаланади.

### МИЛЛИЙ ЛИБОС КУНИ

Бу кунда халқнинг миллий кийимлари, уларнинг тарихи ва нафосати намоён этилади. Миллий либослар орқали маданий ўзига хослик ва гўзаллик қадрланади.

### ЯНГИЛАНИШ КУНИ

Табиатнинг уйғониши, ҳаётнинг янгиланиши рамзи сифатида нишонланади. Инсонлар янги режалар ва эзгу ниятлар билан келажакка қадам қўяди.

### МИЛЛИЙ СПОРТ КУНИ

Миллий ўйинлар ва анъанавий спорт турлари кенг тарғиб қилинади. Бу кун соғлом турмуш тарзини рағбатлантириш ва ёшларни жисмоний фаолликка чорлайди. Бу куни барча ҳудудлардаги спорт мажмуалари ва отчопарларда миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

### ҲАМЖИҲАТЛИК КУНИ

Жамиятда бирлик, дўстлик ва ўзаро ҳурмат қадриятлари улуғланади. Турли миллат вакиллари ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади.

### ЙИЛ БОШИ

Наврўз – янги йилнинг бошланиши, табиат ва ҳаётнинг янги даври рамзи. Бу кун барчага янги умидлар, барака ва фаровонлик тилаш билан нишонланади. Бу куни вилоят маркази – Туркистон шаҳри ҳамда барча туман ва шаҳарлардаги марказий майдон ва истироҳат боғларида кўргазмалар, концерт дастурлари, миллий спорт ўйинлари байрамга файз бағишлайди.

### ПОКЛАНИШ КУНИ

Инсон ва атроф-муҳит поклигини асраш ғояси илгари сурилади. Одамлар қалбан ва жисмонан покланиб, табиатга ғамхўрлик қилишга чақирилади. Бу куни вилоят миқёсида умумхалқ сайиллари ташкил этилиб, туман ва шаҳарларда тозалаш ишлари олиб борилади.

# КУЧЛИ МИНТАҚАЛАР – КУЧЛИ МАМЛАКАТ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шундай оғир шароитда биз, қозоғистонлик фуқаролар, тинчликни сақлаб, ички ва ташқи фитналарга учмаслигимиз, жасорат, қадр-қиммат ва энг муҳими – ақл-заковатимизни намоён этишимиз лозим.

Президент эса сиёсий ва дипломатик йўллар билан давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида барча имкониятларни ишга солади.

Тан олиш керакки, дунё тамоман ўзгарди. У технологик, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан бутунлай бошқача бўлиб кетди. У яхшироқми ёки ёмонроқми – бу саволга инсоният тамаддуни кейинроқ жавоб беради. Лекин биз, қозоғистонлик фуқаролар, дунё тараққиётидан четда қолмаслигимиз керак.

Агар дунё шу зайлда ўзгаришда давом этса, демак, биз ҳам ўзгаришимиз керак Жараёнларни диққат билан кузатиб, энг яхши жиҳатларни ўзлаштириш демакдир. Халқимизда “Яхшидан ўрган, ёмондан қоч”, деган мақол бор.

Шу боис Қозоғистон миллий манфаатларни ҳимоя қилишни кўзлаб стратегик эҳтиёткорликни таъминлайди. Халқаро майдонда давлатимиз оқилона ва мувозанатли ташқи сиёсат олиб бормоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Бу сиёсатнинг асосий мақсади – аввало мамлакатимиз атрофида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш.

Бу ички ислоҳотларни давом эттириш учун ҳам муҳимдир. Лотин Америкаси ва Яқин Шарқдаги кескин воқеалар натижасида геосиёсий муҳитда юзага келган ўзгаришларга қарамай, давлатимиз барча манфаатдор давлатлар, яқин ва узоқ ҳамкорлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги даврда ташқи сиёсат ва дипломатиянинг роли жиддий даражада ошди ва Қозоғистон бу жараёнда фаол иштирок этмоқда.

Шундай шароитда Қозоғистоннинг барқарор тараққиёти учун асосий омиллар – **якдиллик ва барқарорлик**дир. Бу омиллар фуқароларимиз ва сиёсий раҳбарларимизнинг масъулияти натижасидир. Ички сиёсатда бирон бир хатога йўл қўйишга ҳақимиз йўқ.

Барқарорликни бир неча кун ёки ҳатто соатларда сўндириш мумкин, уни тиклаш эса ўнлаб йилларни талаб қилади. Шу боис мен “Қонун ва Тартиб” тамойилига қатъий риоя қилишни муҳим деб биламан. Бу тамойил – сиёсий тизимимиз, ҳаёт тарзимизнинг моҳияти.

Унутмаслигмиз керак: умумий уйимиз – Қозоғистон Республикасининг тақдири фақат бизга боғлиқ.

Мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мақсади ягона – давлат мустақиллиги ва эгаменлигини мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш.

Дунёда сиёсий ва иқтисодий вазият тобора мураккаблашмоқда. Геосиёсий кескинлик ва савдо урушлари янги босқичга чиқмоқда. Албатта, бу вазият бевосита мамлакатимиз имкониятларига таъсир кўрсатади. Лекин, шунингдек, биз ҳар қандай даъват ва қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этиб, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни давом эттириб, миллий дастурни қатъий ва босқичма-босқич амалга оширмоқдамиз.

Ўтган йил натижаларига кўра, Қозоғистоннинг ИЯМ ҳажми 306 миллиард долларни ташкил қилди. Бу МДҲ давлатлари орасида иккинчи, минтақада эса энг юқори кўрсаткичдир. Шунинг натижасида, бу йил давлатимиз дунёнинг энг йирик 50 иқтисодиёти юксак давлатлар қаторига кирди.

Ҳозирги йил якунлари бўйича, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари тахминларига кўра, Қозоғистоннинг ИЯМ ҳажми 320 миллиард долларга етказилади.

Қозоғистон Марказий Осиёда хорижий сармоялар бўйича ҳам етакчиликни давом эттирмоқда. Умумий ҳажми 150 миллиард доллардан ошиб, минтақадаги барча бевосита сармоянинг 69 фоизини ташкил этади.

Давлатнинг олтин-валюта захиралари – 74 миллиард доллар, умумий захиралар эса 139 миллиард долларга етди.

Яъни, миллий иқтисодиётимиз барқарор ўсиб бормоқда ва энг асосийси – бу ўсиш сифатли.

Мамлакатда янги саноат, энергетика ва инфратузилма асослари яратила бошланди.

Шунингдек, қайта ишлаш саноатининг ўсиш суръати сўнгги икки йил ичида ҳар йили 6 фоиздан ошмоқда ва бу ҳудудларимиз учун мустаҳкам иқтисодий пойдевор яратмоқда.

Фақат ўтган йили мамлакат бўйича 1,5 триллион тенге қийматида 190та янги корхона очилди ва 22 мингдан зиёд доимий иш ўринлари яратилди.

Ҳукумат тахминларига кўра, бу йил яна 1,7 триллион тенге қийматида 200та янги корхона ишга туширилади ва уларда 20 мингга яқин одам ишлайди.




Натижада, Қозоғистондаги илгари мавжуд саноат қувватлари тикланиб, янги соҳалар яратилмоқда. Масалан, машинасозлик ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари.

Иқтисодий сиёсатнинг алоҳида устуворлиги – агросаноат шўъбасини мажмуавий равишда ривожлантириш. Чунки бу соҳанинг ҳолати бевосита 7,4 миллион фуқаронинг, яъни 36 фоиз аҳолининг турмуш даражаси ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигига боғлиқ.

Сўнгги йилларда бу соҳани молиялаштириш бир неча баравар оширилди. Хусусан, ўтган йили чорвадор ва деҳқонларга имтиёзли кредитлар учун илк бор бир триллион тенгедан зиёд маблағ йўналтирилди.

Аграр соҳада шунчалик кучли қўллаб-қувватлаш ҳеч қачон бўлмаган.

Ҳукуматнинг саъй-ҳаракатлари туфайли агросаноатга дунёдаги етакчи компаниялар кира бошлади. Масалан, Алмати, Ақмўла, Жамбил, Шимолий Қозоғистон вилояти ва Шимкентда хорижий сармоядорлар иштирокида қишлоқ хўжалик хомашёсини чуқур қайта ишловчи ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар ишга туширилади.

Бу лойиҳаларга жалб этилган умумий сармоялар бир миллиард доллардан ошди ва бу орқали ўн минглаб янги иш ўринлари яратилади.

Яна бир муҳим вазифа – давлатнинг муҳим инфратузилмасини замонавийлаштириш бўйича кенг кўламли ишлари. Сув – ҳаёт асоси эканлигини яхши биламиз. Қозоғистон кенг ҳудудга эга бўлса-да, сув захиралари танқислиги сезилмоқда. Шу боис аҳолини сифатли ичимли сув билан таъминлаш ва иқтисодиётдаги юксалиш эҳтиёжларини қондириш стратегик аҳамиятга молик. Бу борада ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди ва бу барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим асосидир.

Хусусан, Туркистон вилоятида Кўксарой сув омбори қайта қурилмоқда, Қизилўрда ва Жамбил вилоятида янги сув омборлари бунёд этилмоқда. Бу лойиҳалар қишлоқ хўжалиги ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда улкан аҳамиятга эга бўлиб, келгуси йили фойдаланишга топширилади.

Жорий йилда сув хўжалиги иншоотларини замонавийлаштириш ва янги иншоотлар барпо этиш борасида 220дан зиёд лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ҳукумат коммунал ва энергетика инфратузилмасини кенг кўламда замонавийлаштиришга киришди. Мавжуд иссиқлик энергия марказларининг барчасида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, Туркистон ва Қизилўрда ҳудудларида буғ-газ қурилмалари асосида янги электр станцияларини ишга тушириш режалаштирилган.

Қозоғистоннинг энергетик мустақиллиги ва иқтисодий ранг-баранглигини таъминлашда атом энергиясини ривожлантириш муҳим омил ҳисобланади. Мамлакат фуқаролари 2024 йилги референдумда стратегик аҳамиятга молик дастлабки АЭС қурилишини маъқуллади. Тинч атом ва тоза кўмир генерацияси мамлакатимиз энергетик мустақиллигини шакллантирувчи соҳалар бўлади.

Яна бир муҳим вазифа – коммунал, энергетика ва сув инфратузилмасини замонавийлаштириш билан бирга мамлакатнинг транспорт ва транзит салоҳиятини режали тарзда мустаҳкамлашдир.

Ўтган йили 1500 чақирим темир йўл қурилиб, таъмирланди, бу рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Жорий йилда яна 3700 чақиримдан зиёд янги линиялар ишга туширилади. Янги йўналишлар очилмоқда, вагон парки янгиланмоқда, вокзаллар қайта қурилмоқда. Энг қадимий вокзаллардан ўнтаси бир асрдан ортиқ вақт мобайнида фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган йили мамлакат бўйича барча 124 вокзалнинг кенг кўламли реконструкцияси бошланди ва бу вазифалар 2026 йил охиригача якунланади.

Яна бир муҳим воқеа – Астана–Алмати йўли фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мен аввал пойтахтни мамлакатнинг ғарбий ҳудудлари билан боғловчи янги автомобиль йўлини қуришни бошлаш вазифасини топширган эдим. Ҳозир бу йўналишда аниқ ишлар олиб борилмоқда.

Албатта, мамлакатга кенг йўллар керак, аммо маҳаллий аҳамиятга эга йўллар ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Миллионлаб фуқароларимиз, айниқса, қишлоқларда, автомобиль йўлларини ҳақиқий маънода “ҳаёт йўллари” сифатида қабул қилади, чунки улар одамларнинг кундалик эҳтиёжлари ва бизнес ривожланиши учун зарур.

Ўтган йили мамлакат бўйича 13 минг чақирим йўл таъмирланди, шу жумладан, маҳаллий аҳамиятга молик 3 минг чақиримдан зиёд йўл ҳам реконструкция қилинди.

Ижтимоий инфратузилмада ҳам барқарор юксалиш кузатилмоқда. Сўнгги уч йил ичида мамлакатда 57 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Қўшни давлатлар кўрсаткичлари билан таққослаганда, бу аҳолига тақдим этилаётган уй-жой бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

Шаҳарларда 520 мингдан зиёд оила, қишлоқларда эса 70 мингга яқин оила бошпанали бўлди.

Бундан ташқари, ижтимоий инфратузилма ҳам тараққий этмоқда. Сўнгги йилларда мамлакат бўйича минглаб мактаб, тиббиёт, маданий ва спорт иншоотлари замонавий талаблар асосида қурилди ёки реконструкция қилинди.

Мухтасар қилиб айтганда, бутун мамлакат улкан қурилиш майдонига айланди.

Қозоғистонда ҳозирги кунда эса 20,5 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилади. Лекин аҳамиятли жиҳат – аҳоли сони эмас, балки инсон капитали сифати.

Қозоғистон ижтимоий давлат мақомини мустаҳкамлаб, фуқароларига ғамхўрлик қилмоқда. Ҳозир давлат бюджети маблағларининг 50 фоиздан зиёди ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Инсон капитали ривожига сармоялар йилдан-йилга 1 триллион тенгегача оширилмоқда.

Менинг ташаббусим билан “Миллий жамғарма – болаларга” дастури амалга оширилмоқда. Бу доирада 18 ёшгача бўлган етти миллион қозоғистонликнинг махсус ҳисоб-рақамларига 2,5 миллиард доллардан зиёд маблағ ажратилди.

Бошқа кўплаб давлатлардан фарқли равишда, Қозоғистонда барча таълим турлари ҳамда босқичларида таълим бепул ва кенг омма учун очиқ.

Болаларимиз учун давлат мактабларида таълим бепул. Ҳозирда коллежларда бюджет ҳисобидан 150 мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Давлат томонидан ажратиладиган грантлар сони йилдан-йилга ортмоқда.

Мамлакатда умр кўриш давомийлиги илк бор 75,9 ёшга етди. Бу минтақа МДҲ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичдир.

2023 йилдан буён она ўлими 35 фоизга, болалар ўлими эса 20 фоизга камайди.

Сўнгги етти йил ичида 1 259та тиббиёт муассасаси барпо этилди, шу жумладан, 655таси қишлоқларда “Қишлоқ тиббиётини замонавийлаштириш” миллий лойиҳаси доирасида барпо этилди.

Шунингдек, “Аналар саулығы” дастури ҳам йўлга қўйилди. Бу дастур аёллар соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган ва алоҳида аҳамиятга эга.

Менинг топшириқларим асосида 2021 йилдан “Аңсаған сәби” дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур доирасида йиллик ажратилган квоталар 1 мингдан 7 минггача етказилди. Ҳозиргача ЭКО усули орқали 11 мингдан ортиқ бола туғилди.

Йил бошида мен тиббиёт ходимларига нисбатан зўравонлик қилганлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қонунни имзоладим. МДҲ давлатларининг кўпчилигида бундай қонун йўқ. Қозоғистонда бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фақат ўтган йили бюджет ҳисобидан 3,6 миллион фуқаро бепул дори воситалари билан таъминланди.

Ижтимоий суғурта тизими ҳам самарали ишламоқда. Ушбу тизим орқали ишсиз қолганлар, боқувчисини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлар махсус ёрдам олади.

Жорий йили бундай ижтимоий тўловлар ҳажми 10 фоизга оширилди. Ҳозиргача 660 мингдан зиёд шахсга қарийб 70 миллиард тенге миқдорида молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрсатилди.

Шунингдек, айрим фирибгарликка мойил фуқаролар ижтимоий ёрдам олиш учун жиноий усулларни қўллашади. Бу жиноятчилар давлат ёрдамига ҳақиқатан муҳтож фуқароларнинг насибасини ўмармоқда.

Шу боис, биз ижтимоий ҳимоя тизимини янада аниқ ва самарали тизимга айлантириш учун кенг кўламли тадбирлар юритамиз.

Хорижликлар Қозоғистонда ижтимоий ёрдам даражасининг шу қадар юқори эканлигига ҳайрон қолишади. Чунки баъзи давлатлар бундай ёрдам беришга қодир эмас.

Шу билан бирга, Қозоғистон электрон ҳукумат ва молиявий технологиялар тараққиёти бўйича етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу фақат замон талаби эмас, балки давлат фаровонлиги ва самарадорлигини оширишда туб қадамдир.

Қисқаси, кескин геосиёсий вазият ва ички муаммоларга қарамай, Қозоғистон барқарор тараққиёт йўлида шахдам одимламоқда. Давлат бу ва бошқа соҳаларни изчил ривожлантириб, фуқаролар салоҳиятини тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қарамоқда.

Яқинда Буюк Шарқдаги можародан сўнг Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Баҳрайн, Уммон ва Саудия Арабистони раҳбарлари билан телефон орқали мулоқотлар олиб борилди. Мен уларга ҳамдардлик билдирдим.

Фуқароларимизни тезкор эвакуация қилиш ҳамда мамлакат ҳудудидаги барча ҳаётий аҳамиятга молик иншоотлар ва инфратузилмани муҳофаза қилиш юзасидан топшириқ берилди, Қуролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар шай ҳолатга келтирилди.

Ташқи ишлар вазирлиги базасида барча идоралар вакиллари кирган махсус штаб тузилди.

Эрондан эвакуация Озарбайжон, Арманистон ва Туркманистон орқали амалга оширилди. Элчихоналаримиз доимий алоқада бўлиб, фуқароларга зарур ёрдам ва маслаҳатлар беришди.

Натижада, бу жуда мураккаб ишлар натижасида жанговар ҳududдан Қозоғистонга тахминан 9 минг киши жадал суръатда эвакуация қилинди. Ва бу ишлар давом этмоқда.

Бу ҳаракатларимиз хорижда ҳам эътибор билан кузатилди.

Ҳатто тинч замонда бу каби чора-тадбирларни амалга ошириш юксак ташкилотчиликни талаб қилади ва уруш шароитида бу ишлар мураккаблиги ҳамда аҳамияти бир неча баравар ошади.

Имкониятдан фойдаланиб, яна бир бор Яқин Шарқ давлатлари раҳбарларига “яшил даҳлизлар” ташкил қилгани учун миннатдорчилик билдираман.

Шунингдек, давлат идоралари, авиакомпаниялар ва ватандошларимизни эвакуация қилишда кўмак берган барчадан миннатдорман.

Қозоғистон ўз фуқароларини ҳеч қачон тақдир ҳукмига ташлаб қўймайди. Пандемия даврида давлат махсус самолётлар орқали дунё бўйлаб минглаб фуқароларимизни эвакуация қилди. Шу билан бирга, давлат хориждаги бошқа фавқулодда вазиятларда ҳам шундай ҳаракат қилди.

Мамлакатимиздаги фавқулодда ҳодисалар, масалан, техноген авариялар, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар бўлганда ҳам, давлат ҳеч кимни ёлғиз ташлаб қўймади ва барча фуқароларга ваъда қилинган ёрдамни кўрсатди.

Ватандошлар билиши керак: мовий паспортга эга барча фуқароларимиз ҳамиша ва ҳамма жойда давлат ҳимояси остидадир.

Паспортимизнинг куч-қудрати – давлатнинг қудрати, халқнинг ижодий қуввати ва замонавий оламда юзага келадиган тараққийпарвар ғояларни қабул қилиш қобилияти билан белгилаб берилади.

**Азиз ватандошлар!**

Бирлик, масъулият, бағрикенглик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ишонч – булар мамлакатимиз жамиятининг ўзига хос хусусиятларига айланмоқда.

Қувонарлиси шундаки, ёшларимиз ушбу тамойилларнинг мамлакатимизнинг фаровон келажаги учун қанчалик муҳим эканлигини англайдилар.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси кузатилмоқда. Ишончим комилки, авлодларимиз Адолатли ва тараққий этган Қозоғистонда умргузаронлик қилади.

Мен халқимизнинг бунёдкорлик қудратига ва ёшларимизнинг юксак интилишларига ишонаман.

Ҳамжиҳатликда умумий мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилиш вақти келди.

Барчангизни Ватан манфаатларига садоқат билан хизмат қилишга чақираман!

Юртимизда доимо тинчлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлсин!

**Akorda.kz маълумотлари асосида.**

# ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ



**Туманларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда, қишлоқ аҳолисини қўллаб-қувватлаш, деҳқон хўжаликлари ва чорвачилик шўъбасини ривожлантириш учун самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги бошқармасининг Агросаноат мажмуаси субъектларини насиялаш бўлими бош мутахассиси Қайсар Панай билан мулоқотда бўлдик.**

– Қишлоқ хўжалиги субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (субсидиялаш) 2018 йилдан бошлаб тўлиқ автоматлаштирилган ҳамда Gosagro.kz ва subsidy.plem.kz электрон ахборот тизимлари орқали амалга оширилмоқда, – деди Қайсар Серикули. – Вилоятда 89,4 мингта агротузилма фаолият юритяпти. Бу республика кўрсаткичининг 31 фоизини ташкил этади. Шу жумладан, 78,6 мингта деҳқон хўжалиги, 6,9 минг хусусий тадбиркорлар, 3,9 мингта ҳуқуқий шахслар мавжуд. Ҳар йили тахминан 25 мингта агросаноат мажмуаси субъектлари давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган барча фуқароларга, (аризалари амалдаги қонунчилик талабларига тўлиқ мувофиқ келса) чекловсиз давлат кўмаги кўрсатилади.

**– Ўтган йилги кўрсаткичлар қандай бўлди? Деҳқонлар қанча субсидия олишлари мумкин?**

– 2025 йилда 9та бюджет дастури бўйича 47,6 миллиард тенге маблағ ажратилди ва 22,3 мингта агросаноат мажмуаси субъектларига молиявий ёрдам кўрсатилди.

Давлат қўллаб-қувватлаш чоралари доирасида деҳқончиликда харид қилинган минерал ўғитлар ва гербицидлар қийматининг 50-60 фоизи субсидия тариқасида қайтарилмоқда.

Шунингдек, қайта ишлашга топширилган донли маккажўхори (тоннасига 30 минг тенге), маҳсари (тоннасига 25 минг тенге) учун субсидиялар ҳамда иссиқхоналарни иситиш харажатларини қоплаш кўзда тутилган (иссиқхоналар учун гектарига 4,8 миллион тенге, иссиқхоналар учун гектарига 8,1 миллион тенге) миқдорида субсидиялар белгиланган.

Чорвачилик соҳасида 24 йўналиш бўйича давлат ёрдами кўрсатилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар: сут нархини арзонлаштириш (50 бошгача сут йўналишидаги сигирга эга чорвадорлар ва қишлоқ хўжалиги ИЧШ учун килограммига 20 тенге, сигирлари 400 бошдан ошса, килограммига 30 тенгедан, 600 бошдан ошса, килограммига 45 тенге; наслдор мол харид қилиш (маҳаллий – ҳар бошига 260 минг тенгедан), МДҲ давлатларидан олиб келинган бўлса, ҳар бошга 390 минг тенгедан, Европа мамлакатларидан олиб келинган бўлса, ҳар бошга 700 минг тенгедан субсидия берилади.

Ҳокимнинг соҳавий ўринбосари ташаббуси билан, қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан ташкил этилган семинар ва тадбирларда туман ва шаҳар ҳокимликлари, молия муассасалари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар иштирок этмоқда.

**– “Ауыл Аманаты” дастури ҳамда унинг асосида тақдим этиладиган кредит шартларига тўхталсангиз.**

– Давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ амалга оширилаётган мазкур лойиҳа қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва доимий иш билан таъминлашга янги суръат бағишлади. 2023-2025 йилларда лойиҳани амалга ошириш учун республика бюджетидан жами 30,2 миллиард тенге ажратилди. Шу жумладан, 2023 йилда – 3249та лойиҳа учун ажратилган 19,8 миллиард тенге ҳамда 2024 йилда 252та лойиҳа учун ажратилган 3 миллиард тенге тўлиқ ўзлаштирилди, 2025 йилда 7,4 миллиард тенге ажратилди (6,8 миллиард тенгеси 696 лойиҳага берилди). Қолган 600 миллион тенге март ойи охиригача тўлиқ ўзлаштирилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан 6та йўналиш бўйича 4197та лойиҳага жами 29,6 миллиард тенге кредит тақдим этилди. Натижада, кичик тадбиркорлик субъектлари сони 4197тага етди. 29,3 гектар майдонда 593та иссиқхона мажмуаси барпо этилди. Чорва моллари сони 76 877 бошга кўпайди. 39та қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди. 45 63та янги иш ўрини яратилди. Манзилли ижтимоий ёрдам олувчилар сони 441 нафарга (85 оила) камайди.

Умуман олганда, ушбу лойиҳалар эвазига ҳар йили тахминан 30 миллиард тенге миқдорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. “Ауыл Аманаты” дастури доирасида шахсий томорқа хўжаликларни бирлаштириб, ширкатлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уч йил мобайнида 122та ширкатга 3,19 миллиард тенге кредит тақдим этилди. Хусусан, 50 нафар аъзодан иборат “МАЙТӨБЕ СҮТ” қишлоқ хўжалиги ИЧШ 184,9 миллион тенге маблағ билан молиялаштирилди. Сут йиғиш пункти ва қайта ишлаш цехи ташкил этилди ҳамда ўз маҳсулотларини маҳаллий болалар боғчаларига, тиклаш марказларига ва ижтимоий дўконларга етказиб бермоқда.



Шунингдек, “АЯТ-АГРО.СОМ” қишлоқ хўжалиги ширкати 29,5 миллион тенге маблағ билан молиялаштирилиб, мавжуд мева-сабзавот қайта ишлаш цехини кенгайтирди (ускуналар харид қилинди) ва консерваларни ички ва ташқи бозорларга, жумладан, Россия, Ўзбекистон ва Қирғизистонга экспорт қилмоқда.

Келгусида ҳам ширкатлар сонини кўпайтириш режаланган. Асосий вазифа – шахсий томорқа хўжаликларини бирлаштириш орқали ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва қишлоқда барқарор бандликни кенгайтиришдир.

Шунингдек, лойиҳа доирасида ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга имтиёзли насиялар ажратиш ва ширкатларга бириктириш орқали қишлоқларда барқарор даромад манбаларини шакллантириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур чора-тадбирлар қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаб, минтақанинг аграр салоҳиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу дастур орқали тақдим этиладиган насиянинг энг катта миқдори:

- Шахсий томорқа хўжиликлари ва хусусий тадбиркорлар учун 10 812 500 тенгегача (2,5 минг ойлик ҳисоб кўрсаткичи миқдорида).
- Қишлоқ хўжалиги ИЧШ учун 34 600 000 тенгегача (8 минг ОҲК миқдорида).

Насиянинг йиллик устама миқдори – 2,5 фоиз. Насия энг кўпи билан 60-84 ойгача (томонларнинг келишувига кўра белгиланади) тақдим этилади.

Насияни қайтариш бўйича имтиёзли давр – 12 ойгача (томонларнинг келишуви асосида белгиланади).

Ушбу дастур “AMANATNESIE.KZ” электрон дастури орқали амалга оширилмоқда. Ариза бериш, кўриб чиқиш ва бошқариш жараёнларининг автоматлаштирилиши молиялаштиришнинг шаффофлиги ва қулайлигини таъминламоқда. Электрон шаклнинг жорий этилиши инсон омилини камайтириб, қарор қабул қилишдаги субъективликни пасайтирди ҳамда уюшган жиноятчилик хавфларини сезиларли даражада қисқартирди.

**М. САЪДУЛЛАЕВА.**

Тарих ва тақдир

# ЕР ҚАЪРИДАН ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТ ЯРАТГАН ИНСОН

## ЁХУД КАШФИЁТГА ЕТАКЛАГАН ЖАСОРАТ

***Шахмардан Есенов – қозоқ геологияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган олим ва давлат арбоби***



**Ш. Есенов 1927 йил 5 август куни Қизилўрда вилоятида дунёга келган. У Қозоғистон тарихида илмий ва давлатчилик соҳаларида чуқур из қолдирган буюк шахслардан бири сифатида эътироф этилади.**

У геолог олим, геология-минералогия фанлари доктори, Қозоғистон Фанлар академияси академиги, Ленин мукофоти ҳамда Қозоғистон ССР Давлат мукофоти совриндори сифатида мамлакат илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган.

Ш. Есенов 1961-1967 йилларда ва 1974-1976 йилларда Қозоғистон ССР геология вазири лавозимида фаолият юритди. 1965 йилда эса республика Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажарди. Унинг унвонлари, илмий даражалари, мукофотлари ва тадқиқот ишларини санаб ўтиш учун катта саҳифалар ҳам камлик қилади.

У ўз даврида геология фанининг тараққиётига, мамлакат геология хизмати тизимини шакллантиришга ва Қозоғистон Фанлар академиясининг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшган.

Олим дунёдаги энг йирик фойдали қазилма конларини кашф этиш ва ўзлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Жезқазған минтақаси ҳамда Манғистау вилоятидаги Ўзен, Жетибай ва бошқа нефть-газ конларининг очилиши ва ишлаб чиқилишида унинг хизмати беқиёс бўлди. Бу бойликлар кейинчалик мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг устунига айланди.

1944 йилда Шахмардан Есенов Қозоқ кон-металлургия институтига (бугунги Қозоқ миллий-техника университети) ўқишга кирди.

Ш. Есеновнинг иқтидори ва ғайратини институтдаёқ таниқли геолог, академик Қаниш Сатпаев пайқаган эди.

Бугун Ш. Есенов Қ. Сатпаевнинг энг истеъдодли ва муваффақиятли шогирдларидан бири сифатида эътироф этилади. Айнан Сатпаев 1949 йилда ёш кон муҳандисини Жезқазған мажмуавий геология-қидирув экспедициясига юборган.

Бу экспедиция кейинчалик дунёдаги энг йирик мис қазиб олиш ва мис эритиш марказларидан бирига айланган Жезқазған кон-металлургия мажмуасининг илмий ва амалий асосларини яратди.

### ЖЕЗҚАЗҒАН БОЙЛИКЛАРИНИ ОЧГАН ЖАСОРАТЛИ ГЕОЛОГ

Шахмардан Есенов меҳнат фаолиятини Жезқазған мажмуавий геология-қидирув экспедициясида бошлади. У дастлаб катта геолог, кейин бош геолог сифатида ишлади. Кейинчалик шу экспедициянинг бош муҳандиси лавозимигача кўтарилди.

1950-йилларда айнан Ш. Есенов ташаббуси билан Жезқазған рудали ҳудудининг йирик миқёсли тахмин-геологик харитаси тузилди. Унда мис, қўрғошин ва рухга бой бўлиши мумкин бўлган истиқболли майдонлар аниқ чегаралар билан белгилаб чиқилди. Бу майдонлар маълум рудали ҳудуд чегарасидан анча кенгроқ ёйилиб кетган эди.

Шу асосда Жезқазған конларининг маълум захираларини 3-4 бараварга ошириш мумкинлиги ҳақида илмий ғоя илгари сурилди.

Ш. Есенов ташаббуси билан бурғилаш ишлари ҳажми кескин оширилди. Бурғилаш техникаси ҳам қарийб беш баробар кўпайтирилди. Бу ўша давр учун жуда катта таваккалчилик эди, чунки бундай қарор катта молиявий харажатларни талаб қиларди.

Бироқ бу ташаббусни Қозоғистон ССР Фанлар академияси – академик Қаниш Сатпаев бошчилигида, шунингдек, Геология ва ер қаъридан фойдаланиш вазирлиги қўллаб-қувватлади.

Есенов раҳбарлигидаги экспедиция яна бир муҳим кашфиётга эришди. Улар Жезқазған ҳудудида икки йирик ерости ичимли сув ҳавзасини – Жанай ва Айдўс сув манбаларини аниқлаб, уларни ўзлаштириш ишларини бошлади. Шу туфайли минтақанинг аҳолиси барқарор ва узлуксиз ичимли сув билан таъминланди.

1960-йилларда Шахмардан Есенов Жиландин мис конлари гуруҳини баҳолаш ва қидириш ишлари учун ҳам кашфиётчи сифатида махсус дипломлар билан тақдирланди. Бу гуруҳга Итауз, Сариўба, Қаришўшақ, Қипшақпай, Айранбай, Талдибулақ, Жартас ва бошқа конлар киради.

Олим ўз фаолияти давомида мис, асбест, марганец, полиметалл, никель, кобальт, темир, қурилиш материаллари ҳамда ичимли сув манбаларини қидириш ва баҳолаш ишларида залворли натижаларга эришди.

Есенов қўллаган геологик баҳолаш ва қидирув усуллари баъзан ўша даврдаги расмий қоидалар ва кўрсатмаларга тўғри келмас эди. Аммо бу услуб вақт жиҳатидан анча самарали бўлиб, мамлакат иқтисодиётига улкан фойда келтирди.



Меҳнат фаолиятида барча босқичларни босиб ўтган Ш. Есенов 1960 йилда Қозоғистон ССР геология вазирининг ўринбосари этиб тайинланди. Орадан бир йил ўтиб, 1961 йилда у республика геология вазири лавозимига кўтарилди.

Шу тариқа у 33 ёшида Совет Иттифоқи тарихидаги энг ёш вазирлардан бирига айланди.

1965 йилда эса у Қозоғистон ССР Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари этиб тайинланиб, республика оғир саноати тармоқлари ҳамда мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга молик хомашё базасини ривожлантириш ишларига раҳбарлик қилди.

### ИЛМ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

1967 йил Шахмардан Есенов ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Шу йили у Қозоғистон ССР Олий Кенгаши раиси этиб сайланди. Айни пайтда Қозоғистон Фанлар академияси академиги унвонига сазовор бўлди.

Ўша йилнинг ўзида у Қозоғистон Фанлар академияси президенти лавозимига тайинланиб, бир вақтнинг ўзида Фанлар академиясининг Геология фанлари институтига директорлик қилди. Бу даврда у мамлакатда геология илмининг тараққиёти, илмий мактабларнинг мустаҳкамланиши ва табиий бойликларни чуқур тадқиқ этиш ишларига катта эътибор қаратди.

1974 йилда Шахмардан Есенов яна Қозоғистон ССР геология вазири лавозимига қайтди. Кейинчалик, 1978 йилдан умрининг охиригача Қозоқ политехника институтида кафедра мудири сифатида фаолият юритиб, ёш мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Шахмардан Есенов Қозоғистон илмий жамоатчилиги томонидан академик Қаниш Сатпаев ва олим Евней Букетов билан бир қаторда мамлакатнинг энг буюк олимларидан бири сифатида эътироф этилади.

Унинг бевосита иштироки ва ташаббуси билан бугунги кунда дунёдаги йирик табиий захира конларидан ҳисобланган Жезқазған, Жанаўзен, Қаражанбас, Жетибай, Қаламқас, Бўзашши ва бошқа нефть-газ ҳамда металл конлари очилди ва ўзлаштирилди. Айнан шу конлар негизида шаклланган саноат мажмуалари бугунги Қозоғистон иқтисодиётининг асосий устуни бўлиб хизмат қилмоқда.

Ш. Есеновнинг ҳамкасблари хотираларида қайд этилишича, машҳур совет давлат арбоби, уч карра Социалистик меҳнат қаҳрамони Ефим Славский унинг меҳнатини юксак баҳолаган. Славскийнинг фикрича, Манғистау вилоятидаги нефть-газ конларини очиш ва бу ҳудуднинг иқтисодий тараққиётига асос солишдаги хизматлари учун Социалистик меҳнат қаҳрамони унвонларидан камида бири Шахмардан Есеновга тегишли бўлиши керак эди.

Есенов ва унинг ҳамкасблари томонидан очилган Ўзен ва Жетибай нефть конларининг захираси тахминан 1,5 миллиард тонна деб баҳоланади.

Есенов раҳбарлигида геологлар Манғистау вилоятида нефть ва газ қидириш ишларини бошлаган даврда бу ердаги Ақтау шаҳри ҳали “Актауский” деб аталадиган кичик қасаба эди. Бугун эса бу шаҳарда 200 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, шаҳар 36та кичик тумандан иборат.

Умуман олганда, Манғистау вилоятида бугун 570 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг асосий бандлиги нефть-газ саноати билан боғлиқ бўлиб, бу соҳа пойдевори айнан Шахмардан Есенов раҳбарлигидаги геологлар томонидан барпо этилган.

Буюк олим хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1995 йилда Қозоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Ақтау политехника институтига Шахмардан Есенов номи берилди. Шу тариқа Манғистау вилоятининг етакчи олий таълим муассасаси буюк геолог номи билан аталади.

**Ш. Есенов жамғармаси маълумотлари асосида.**

Тўйларимиз – ўйларимиз

# ТОПГАНИМИЗ ТЎЙЛАРГА БУЮРСИН

**Маърифатпарварларимиз томонидан салкам икки аср илгари фикр билдирилган ушбу масала ҳануз долзарблигини йўқотмади. Унинг муҳимлигини тан оламизу, бироқ амал қилмаймиз. Ҳар гал ушбу масала кўтарилганида аждодларимиз ёдга тушади. Улар бизга тақдим этилган неъматларни дуоларида ёлвориб сўраб кетган. Шу боис, бу масала масъулиятимиз ва виждонимизга улкан юк экани ҳақиқат. Бу – тўйларимиз ҳақидаги ўйларимиз, динимизга ёт маросимлар, исрофгарчилик, дабдабабозлик, яъни, нафсимиз тарк эта олмаётган одатларимиз ҳақидаги мавзу. Савол туғилади: биз аждодларимизга муносиб авлод бўла оляпмизми?...**

**“Тўй ва таъзияға сарф қилинатурғон ақчаларимизни биз туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек тарақҳий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизға давом этсак, дин ва дунёға зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайдур..,” дея, жадид маърифатпарвари Маҳмудхўжа Беҳбудий серхаражат маросимларимиз ҳақида бонг урганлигига бир асрдан зиёд вақт ўтди.**

**Шу боис, бугун ҳам катта авлод вакиллари жамиятни ўйлантирувчи ушбу масалага бефарқ эмас. Яқинда “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Орифжон Холназаров, тадбиркорлар кенгаши раиси Шуҳрат Рўзиматов ҳамда Шимкент шаҳар ЎЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Ўктам Иброҳимов “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятига ташриф буюриб, халқимизнинг бетакрор, бошқа қардош халқларникини такрорламайдиган урф-анъаналарини асраб-авайлаш, маросимларимизда ўзлигимизни сақлаш, оилаларни парчалаётган бемаъни удумлардан воз кечиш ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдиришди, катта авлод вакиллари ёшларга ибрат бўлиши, маънавий тарбияда намуна кўрсатиш зарурлигини таъкидлашди.**



Дарҳақиқат, маслаҳат, таклиф ҳамда танбеҳда ҳам насиба бор. Жамиятда огоҳлантирувчи, ёшларга йўл кўрсатувчи улуғлари бор экан, бу авлод учун бебаҳо неъмат. Зеро, нуронийлар, қадриятларимизнинг посбони, маънавиятимиз тарғиботчилари ҳисобланади. Қуйидаги суҳбат орқали, азиз муштарийлар, ушбу долзарб масала юзасидан фикр алмашамиз.

– Халқимизнинг тўй маросимлари маданиятимиз ва маънавиятимизнинг кўзгусидир, – дея бошлади суҳбатни Орифжон Холназаров. – Уларга қараб маданиятимиз юксалаётганини ёки аксинча, таназзулга юз тутаётганини англаш мумкин. Сўнгги пайтларда ҳамжамиятимиз билан биргаликда ушбу мавзуда Шимкент, Туркистон, Тароз шаҳарларида фаолларимиз, зиёлилар иштирокида семинар-учрашувлар ўтказдик. Бу орқали халқимизга хос урф-одат ва маросимларни асраб-авайлаш, уларни янада чиройли ва мазмунли тарзда давом эттириш ҳақида фикр алмашдик. Дастлаб, суҳбатимизни маросимларни ўтказиш тартибидан бошласак. Бир неча йиллар аввал Шимкентнинг анчагина даҳаларида бир хонадон аъзоси оламдан ўтганида, унинг дафн маросимига келганлар, албатта, азадор оилага имкон қадар моддий ёрдам кўрсатарди. Ёрдам қай миқдорда ким томонидан берилганини айтиш шарт эмасди. Муҳими, уни эзгулик йўлида ҳамюртига илиниши, нияти ва эҳсонида эди. Ушбу анъана ўзига тўқ, ўрта ҳол оилаларда ва жумладан, яшаш тарзи оғир хонадонларда ҳам жорий этилганди. Ушбу одат олдида барча бирдек бўлиб, эҳтиёжи, таъминотидан қатъиназар, моддий ёрдамни қабул қиларди. Бу дегани, барчанинг маънавий тенглигини ифодаларди ва ўзига хос масъулият юкларди. Ўзига тўқларнинг кибру такаббурлигини синдиради, эҳтиёжманд хонадонларга эса ҳожатбарор ҳамюртлари ёрдамини англатарди. Баъзи оилаларда ота ё она вафот этиб, вояга етмаган бир неча фарзандлари етим қолади. Болаларни вояга етказиш каби аёлнинг зиммасига тушган ҳолатлар кўп. Яқинда отасини йўқотган жўжабирдек оилага дафн маросимидан сўнг эҳсон ошини азадор хонадонни қўллаб-қувватлаш мақсадида яқин қариндошлари ўтказишди ҳамда бошқа маросимларга чек қўйилди. Бу каби ишора оилага кўмак бўлди. Бу билан хонадон яқинлари, катта авлод вакиллари нимани кўрсатишди? Кутилмаган мусибат олдида бир шажара соҳиблари бирдамлигининг гўзал ифодасини намоён этишди. Шу боис, жаноза маросимларида ижтимоий имкониятидан қатъиназар, моддий ёрдам бериш удумини қайта тикласак, деган таклиф киритмоқчиман. Яна бир муҳим жиҳат – биз тўйга тайёргарлик қиламиз, унинг тадориклари билан югурамиз, еламиз. Ваҳоланки, орзиқиб кутилаётган кунларга ҳозирлик кўрамиз-да. Бироқ, мусибатга келсак... унга тайёргарлик кўрилмайди. Ўлимнинг қаерда ва қачон келиши Яратганнинг ихтиёридадир. Алоҳида таъкидлаган бўлардим – буни қарз ёки мажбурият эмас, балки саховат ва бағрикенглик ифодаси сифатида қабул қилишимиз керак. Афсуски, илгари кенг амал қилиб келинган ушбу одат айрим жойларда унутилгандек туюлади. Менинг таклифим шуки, бандалигимизни, Яратган олдида барчамизнинг тенглигимизни ёдимизга солиб турадиган бундай яхши анъаналаримизни қайта тиклайлик. Шунда инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам риштлари янада мустаҳкамланарди.

Масалан, бир неча йиллар давомида бизни маънан чарчатган “ҳаводор” одатини олайлик. Ахир ундан ҳам воз кечишга муяссар бўлдик-ку. Тўйда хонадон соҳиблари, дўсту-жўралар даврада рақсга тушишганларида уларга чорси, аёлларга рўмол, эркагу-аёлларга эса пул қистириларди. Шундай тўйларни эслайманки, пулни “ҳаводор” қилган эркаклар рақсга тушаётганларни тизилишиб, ўраб олардилар, баъзида эса тўй соҳибига тўёнага пулим қолмай, тўёнани тўйнинг эртаси куни бериб кетган кунларим бўлган. Мана, ушбу кунларни ҳозир кулиб эслаяпмиз. Бошқа миллат вакиллари нигоҳида ҳам бемаъни, ҳам одамнинг энсасини қотирадиган русумлардан воз кечиш мумкин экан.

**Суҳбатимиз маросимларимиздан “Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз” мавзуига келди. Бир мусоҳабада вилоятимизнинг ҳам Тўлебий туманига ҳам Шимкент шаҳрига қарашли Илонбузган даҳаси бийи Олимжон Дўсметов раҳбарлигида туманда “Тўй маросимлари ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги Низом жорий этилганлиги ва анчагина хонадонларда унга асосан тўйлар қилинаётганини маълум қилди.**



Жумладан, шундай деганди: “Тўйларимизни камхаржли қилиб, халқимизнинг зиммасига молиявий муаммоларни юклайдиган дабдабали тўйлар ўтказишни чеклаш борасида маҳалламизда анча йиллардан буён тизимли ишлар олиб бориляпти. Ўтган йили бу борада қатъий чоралар кўрдик. Тўлебий тумани миқёсида тўйларни ихчамлаштириш борасида кўп тадбирлар ўтказдик. Бу борада кенгаш аъзолари ҳамда қишлоқ ЎЭМБ раиси Қодиржон Пирназаров, фаол оқсоқолимиз Раҳмонали Бойметов билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Кенгаш аъзолари билан бирга, эркаклар билан алоҳида, аёллар билан алоҳида маросимларда иштирок этдик. Кейин уйланадиган 18-30 ёшлардаги йигитлар билан ҳам мулоқотда бўлдик. Уларнинг тўй маросимларини ўтказиш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан танишдик. Шунингдек, “Тўй маросимлари ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги Низом лойиҳасини қабул қилдик. Илонбузган, Султонработ ва қўшни қишлоқларда ҳам тўйларимиз ўша низом асосида ўтказилмоқда. Қалин пулини қайси давр бўлишидан қатъиназар, 200 кило мол гўшти нархида белгиладик. Унга кўра, фотиҳа тўйи, тўйдан кейинги “Куёвсотар”, “Келин-куёв сайри” одатлари бекор қилинди. “Ўчоқбоши” маросимида ҳам фақат куёвнинг улфатлари иштирок этади. Тўйдан кейин “Келин салом”-ни ўтказишда хонанда хизматидан фойдаланиш тақиқланади. Шунингдек, маросимларда дастурхонга икки хилдан ортиқ таом тортишни ҳам чекладик, аёлларнинг совчиликка бориш пайтидаги харажатлари ҳам анча қисқарди. Кенгаш аъзолари, бирлашма вакиллари, умуман, халқимиз фидойилари, аввало, ўзлари ибрат кўрсатиб, Низом қоидаларига риоя қилган ҳолда, шундай маросимларни ўтказишяпти. Вақт ўтиши билан ушбу Низом самарали эканлигини айтиб, миннатдорчилик билдираётганлар ҳам анчагина. Тўйларни назорат қилиш мақсадида тузилган 15 кишидан иборат комиссия аъзолари қуда бўлган хонадонларга бориб, тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Аҳолини Низом билан таништиришмоқда. Илонбузган, Султонработ қишлоқларининг ҳар бир хонадонига Низом етказиб берилди. Комиссия аъзолари сафида қарийб 90 ёшни қаршилаган нуронийларимизнинг ҳам борлиги ижобий натижаларни бермоқда. Аммо қуда бўлаётган Шимкент, Манкент, Сайрам даҳаларида истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз ушбу Низомга қаршилик кўрсатаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда”.

**– Шимкент шаҳрида ҳам ушбу Низомни қўллаш имкони мавжудми?**

**Орифжон Холназаров:**

– Шаҳар таркибига киритилган собиқ туманлар аҳолисининг аксарияти тўйларни ихчамлаштиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашади. Аммо барчани бирдай эски қарашлардан ажратиш, афсуски, осон эмас. Иттифоқ даврида давлатманд инсонлар саноқли бўларди. Айни кунларда фаровон ҳаёт кечиряпмиз, тадбиркорликка, хусусан, хотин-қизлар ишбилармонлиги учун кенг имкониятлар яратилган. Хотин-қизлар мўмай даромад топгач, уни ўзлари истаганидек сарфлагиси келади ва ортиқча харажатларни талаб қиладиган янги удумлар урф-одатларимиз сафига кириб боряпти. Моддий имконияти бор ҳамюртларимиз бу урф-одатларга риоя қилмоқда. Афсуски, кам таъминланган хонадонлар ҳам бунга мажбур бўлмоқда. Пандемия даврида тўйларимиз тўхтатилиб, анча камхарж маросимлар ўтказа бошлаган эдик, бироқ янги бир тўй анъана бўлди. “Келин салом” маросими энди тўйдек нишонланадиган бўлди.

> *Бир неча йиллар аввал Шимкентнинг анчагина даҳаларида бир хонадон аъзоси оламдан ўтганида, унинг дафн маросимига келганлар, албатта, азадор оилагаимкон қадар моддий ёрдам кўрсатарди. Ёрдам қай миқдорда ким томонидан берилганини айтиш шарт эмасди. Муҳими, уни эзгулик йўлида ҳамюртига илиниши, нияти ва эҳсонида эди.*

**– Маросимларимизни тартибга келтиришни жамоат бирлашмасида, маҳаллаларда фаол тарғибот қиляпсизлар, турли йиғинларда бу ҳақда кўп ва хўб айтиляпти. Зиёлиларимиз амалда қандай ўрнак кўрсатишяпти?**



**Ўктам Иброҳимов:**

– Ўтган йили сентябрда неварам Хадичабонуни узатдик. Қудаларимиз “бобо-бувиси келсин”, деб, бизни маслаҳатга таклиф қилишибди. Қудаларимиз бизга нисбатан ёш, аёл қудамиз эса муаллима экан. Жамоат ишларида фаол иштирок этиб юрганлигим боис, қудаларимизга тўй маросимларини қисқартирайлик, ортиқча удумларни қолдиришга ҳаракат қиляпмиз, ўзимиз ҳам шундай ишларда ўрнак бўлайлик, деган мулоҳазаларимиз уларга ҳам маъқул келди. Ётоқ жиҳози куёв томон зиммасига юкланди. Ёшлар учун икки хона ажратилди. Ош маросимида меҳмонлар сони чекланди. Сўнгги пайтда “ош”да келин сарполарини намойиш этиш урфга кириб бораётган эди. Энди уларни олиб келишмади, фақат 3-4 патнисда патир, ширинликлар олиб келинди. Совғалар алмашиш маросими ҳам ўтказилмади. Меҳмонларимиз ҳам бундан хурсанд бўлишди. Тўйимиздан аввал куёв бола, дўсти ҳамда вакил отаси билан учрашиб, суҳбатлашдик. Вакил ота “келин”нинг уйига кириб келаётганида ҳамда қизнинг янгаларига ҳеч қандай пул бермаслигига келишиб олдик. Неварамизни узатиш маросимида ҳам вакил ота қиз томонга пул бермади. Бунда ҳам ҳамма хурсанд. Куёвнинг ўртоғи иштирокидаги “шойи беллама” одати, тўйнинг эртаси эса улфатларнинг дала ҳовлини ижарага олиб, ҳордиқ чиқаришлари ҳам бемаъни ва серхаражат удумлигини айтгандим, ёшлар ҳам рози бўлишди. Тўйимиз, шукр, жуда тартибли, ортиқча оворагарчиликларсиз ўтди. Тўй тадориги икки қуда томонидан келишиб, маросимлар ўзаро маслаҳатлашиб ўтказилиши керак. Сохтакорлик, кўр-кўрона удумлар неъматларни исроф қиладиган иллатлардир. Шу боис, “ҳайит барчаники, тўй тегишлиники” тамойили асосида ёшларимизнинг тадбирларимизни тасвирга олиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштириши тақиқланди. Тўйдан аввал ёшларнинг учрашиб юришлари учун никоҳлаб қўйган бўлсак-да, уларнинг фотосессиялари урфга кириб, анъаналаримиз қаторида мустаҳкамланиб улгурган “муҳаббат қисса”си ҳақида видеолавҳа тайёрлашга ҳам рухсат берилмади. Агар оила саркори қадриятлар масаласида қатъий бўлса, қариндошлар ҳам шунга мувофиқ ҳаракат қилади. “Юртнинг тўрида ўтирганман, еганман, ичганман, кийганман, уни қайтаришим керак”, “обрў талашаман”, деган сўзлар ножоиз. Бундай “ким ўзар” маросимларга барҳам беришимиз керак. Ҳеч кимга оғирлик қилмайдиган анъаналаримиз – ҳақиқий юксак қадрият.



**Шуҳрат Рўзиматов:**

– “Кимўзар” одатларимиз ўзимизни чарчатаётгани ҳақиқат. Эҳтиёжимиздан зиёд ташаббуслар, тадориклар, такаллуфлар – исрофгарчиликдир. Катта авлод вакилларининг оила сиёсатидаги ўрни ўша оиланинг сулоласи қадриятларига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Ҳалол меҳнатимиз билан топган маблағларимизни бобо-бувиларимиз тушида ҳам кўрмаган удумларга сарфлагандан кўра, уларни болаларимиз келажаги, истиқболига сарфлайлик, уларга илм берайлик. Мамлакатимиз ер ости неъматларига бой давлат ва улардан оқилона фойдаланиш учун бизга минглаб етук мутахассислар керак. Сармоялар жалб қилинаётгани яхшику-я, бироқ, улар ўзларининг мутахассисларини олиб келишяпти. Бугунимиз ва эртамиз эгаларига шундай билимларни берсак, четдан келадиган малакали ходимларга эҳтиёж қолмайди. Афсуски, юртдошларимиз хорижий мамлакатларда оғир ишларда меҳнат қилишиб, рўзғор тебратишяпти. Бунинг оқибатида жамиятда ижтимоий етимлар кўпайяпти. Ота-онаси хорижда, бола бобо, буви, хола-амманинг қўлида тарбияланяпти. Эҳтиёжининг барчаси таъминланяпти, бироқ ота-онаси олис юртларда. Меҳнатсеварлик яхши, бироқ илм эгаллаган, илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борган, авлодларининг илмий салоҳиятини юксалтираётган миллат ўзади, бу шубҳасиз. Ақлий меҳнат жисмоний меҳнатга қараганда юксакбаҳоланади. Ҳамжамиятимиз қошидаги тадбиркорлар жамланиб, ушбу эзгу ташаббусларни қўллаб-қувватладик. Ҳар ой учрашувимизда дилдан суҳбатлашиш билан бирга, маълум миқдордаги маблағни ой сайин жамғармага йиғиб, ёшлар тараққиётига бағишланган лойиҳаларга йўналтириш режалаштирилмоқда.

> *Меҳнатсеварлик яхши, бироқ илм эгаллаган, илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борган, авлодларининг илмий салоҳиятини юксалтираётган миллат ўзади, бу шубҳасиз. Ақлий меҳнат жисмоний меҳнатга қараганда юксакбаҳоланади. Ҳамжамиятимиз қошидаги тадбиркорлар жамланиб, ушбу эзгу ташаббусларни қўллаб-қувватладик. Ҳар ой учрашувимизда дилдан суҳбатлашиш билан бирга, маълум миқдордаги маблағни ой сайин жамғармага йиғиб, ёшлар тараққиётига бағишланган лойиҳаларга йўналтириш режалаштирилмоқда*

**– Келгусида лойиҳаларингиздан етук илм соҳиблари етишиб чиқсин.**



**Келес тумани, Т. Бегманова номли умумтаълим мактабиниг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, туман ЎЭМБ қошидаги оналар кенгашининг раисаси, шоира, таржимон Робия Дўстонова чегарадош ҳудудда ўтказилаётган тўйларимиз, қизларимизнинг таълим олишларига алоҳида эътибор қаратишимиз жоизлиги хусусида қуйидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди:**

# М. БОБОЕВ: УРУШ – АЙРИЛИҚ, МУСИБАТ, ЖУДОЛИК, ВАЙРОНАГАРЧИЛИК МАНБАИДИР



**Фаол жамоатчи обуначимиз, Сўзоқ тумани ЎЭМБ раиси, ҳаётини маориф соҳасига бахшида этган заҳматкаш устоз Муҳаммаджон Бобоевга (тасвирда) мурожаат этиб, ўтган асрда ўзи иштирок этган Афғон уруши тафсилотларини баён этишини илтимос қилдик. Кўйида унинг бошидан кечган уруш воқеалари, кечинмалари ҳақидаги хотираларини эътиборларингизга ҳавола қиламиз.**

– Мен Афғонистоннинг Боғи Эрам шаҳрида жойлашган 108-моторлашган ўқчи дивизияси таркибидаги Суворов ва Қизил Байроқ орденли 180-мото ўқчилар полкининг учинчи батальони, тўққизинчи ротасида хизмат қилдим. Полкимиз 1979 йилнинг 25 декабрида СССР ҳукумати фармонига биноан Афғонистон ҳудудига киритилган экан.

1979 йилдан 1980 йилнинг декабригача полк командири полковник Тўлқин Йўлдош ўғли Қосимов бўлган. 180-мото ўқчилар полки БМП(пиёдалар жанговар машинаси)ларга ихтисослашган бўлиб, кейинчалик зирхли жанговар машиналар такомиллашган БМП – 2га алмаштирилди. Мен дастлаб олти ой бадалида Ашхобод шаҳридаги ўқув полкида таҳсил олиб, БМП командири – ҳарбий тилда "Сержант-командир БМП" мутахассиси бўлиб келдим. Биз келган вақтимизда полкнинг асосий жанговар қисми рейдда экан. Улар тўрт кундан кейин жанговар топшириқдан келишди. Уларнинг таъриф-тавсифидан сўнг ҳақиқий аҳволни англаб ета бошладик. Бир ҳафтадан сўнг мен ҳам навбатдаги рейдга отландим. Жанговар ва махсус ҳарбий автомашиналар карвонидан иборат техникалар билан қишлоққа бир километр масофа қолганида тўхтаб нафас ростладик. Мен ва яна уч нафар аскарга қишлоқ четида оқаётган ўзандан сув олиб келиш буюрилди. Ўзаннинг нариги чеккаси қишлоқ уйларига туташиб кетган.

Афғон уйлари одатда икки қаватли бўлиб, биринчи қават ўртасида зинапоя, унга етмасдан ўнг томонда молхона, чап томонда сомонхона қурилган. Зинапоядан юқорига кўтарилиб, энсиз узун йўлакка чиқасиз, ўнг томонидан иккита ётоқхона, уларнинг рўпарасида йўлак билан қўшилиб кетган кенг ёпиқ айвон бўлади. Айвон четида томга чиқадиган туйнук бўлиб ёзнинг иссиқ тунларида томга чиқиб ётиш учун мўлжалланган. Том усти текис бўлиб, идишлар ва ёш болалар юмалаб тушиб кетмаслиги учун чеккаси бир қарич баландликда кўтариб тўсиб қўйилган. Ёмғир сувлари кўтарма тагидаги тарновлардан оқиб кетади. Айвоннинг бир четига "ер тандир" қурилган бўлиб унинг тепасида тутун чиқиб кетиши учун дудбурон туйнук ўрнатилган. Тандир ёнида қатор сопол хумларда озиқ-овқат маҳсулотлари сақланади. Тандир фақат нон ёпиш учун эмас, балки айвон ва уйларни иситиш учун ҳам қўлланилар экан. Тандир чўғига чой, сут қайнатиш, овқатни иситиш мумкин эди. Энг муҳими, қиш изғиринида одамларни совуқдан асрар эди. Тандирни тагидаги чўғлар олиниб, сандалга солинса ҳам бўлади. Афғон нонлари юпқа бўлиб эллипс шаклида ёпилади.

Идишларга сув тўлдираётган пайтимизда бирдан қишлоқ тарафдан бизга қарши автоматдан ўқ ёғдира бошлашди. Ёнимдаги бир ярим йил хизмат қилган тажрибали аскар Балахонов "ёт-ёт" деб бақирди. Тўрталамиз ҳам ерга қапишиб, ётиб олдик. Ариқнинг қишлоқ тарафдаги қирғоғи дўнг бўлганлиги сабаб ўқлар бизга тегмади. Балахонов беркиниб ётган жойида автоматдан қишлоқ тарафга ўқ ёғдирди. Бирдан бошланиб кетган отишма полк жойлашган ҳудудга бемалол эшитилган экан. Дарҳол иккита БМП машинаси пушкаларини қишлоқ тарафга тўғирлаб, ўқ узиш баробарида орқаси билан бизларга яқинлашиб келди. Идишларимизни сувга тўлдириб, БМПга жойлаб, омон-эсон қисмга қайтдик.

Бир ҳафтадан ортиқ чўзилган амалиётнинг дастлабки уч кунида қаттиқ қуролли тўқнашувлар бўлди. Шу жанглар вақтида мен биладиган икки нафар аскар душман ўқидан ҳалок бўлди, битта зобит ва иккита аскар оғир яраланди. Ҳалок бўлганларнинг бири мен билан тайёргарлик ўқувида бирга бўлган Саша Воронов деган рус йигити эди.

Тўхтовсиз отишмадан сўнг қишлоқдаги қурол ишлатишга яроқли эркаклар таёқнинг учига оқ мато боғлаб байроқ қилиб кўтариб, таслим ишорасси билан чиқишди. Шубҳа-гумон ҳам йўқ эмасди. Текширув ва сўроқлардан сўнг улар Афғон ҳукумати армиясидаги хизматга сафарбар этилди. Улар совет аскарлари олдида "Мен душман эмасман", деб шу қадар ялинардики, беихтиёр виждонинг қийналиб кетади. Лекин темир тартиб ва қўйилган талаб асосида Афғон ҳукумати қишлоқлардаги жосуслари маълумоти асосида дўст-душманни саралаб олишарди. Қишлоқлардаги "тозалаш" жараёнларида Афғон оилаларининг оч-наҳор болалари бизга йиғлаб, қўлларини чўзиб, овқат сўраган пайтлари ўзимизнинг "сухой паек" билан баҳам кўрган вақтимиз кўп бўлган. Жангларда бир неча марта ярадор бўлганман.

Хонадонларни текшириш чоғида бизнинг айрим кўли эгри аскарларимиз маҳаллий аҳолининг соат, радиоприемник ва бошқа буюмларини ўғирлаб ўзлаштирганини кўриб, уларга танбеҳ берганман.

Афғонистондаги урушда кўрган-кечирганларимнинг ягона хулосаси – ҳар қандай уруш одамларга ёмонлик, мусибат, айрилиқ, жудолик, жафо каби ёмонликлар олиб келган, холос.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

Заковатли миллат

# ҚЎШИМЧА ТАЪЛИМ – ШАХС КАМОЛОТИНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ



**Бугунги жадал тараққий этаётган даврда мактаб дарсларидан ташқари, қўшимча таълимнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Қўшимча таълим педагоги ўқувчининг ички дунёсини кашф этувчи, унинг қизиқишларини касбга йўналтирувчи асосий шахс ҳисобланади.**

Қўшимча таълимнинг асосий вазифаси – болани мажбурлаш эмас, балки фанга қизиқтириш. Бу жараёнда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим: ўқувчининг эркин фикрлаши учун муҳит яратиш; назарияни амалиёт билан уйғунлаштириш; ҳар бир болага якка ёндашиш.

Таълимда қўлланиладиган замонавий усуллар эса қуйидагича.

Лойиҳавий таълим усулида ўқувчига маълумот беришдан ташқари, муайян бир муаммо ёки вазифа устида ишлаш топширилади. Масалан, рассомчилик тўгарагида «Менинг келажакдаги шаҳрим» мавзуида ғояга эга лойиҳа тайёрлаш топширилади.

Геймификация – Ўйинлаштириш услубида дарс жараёнига ўйин унсурларини олиб кириш болани диққати бўлишга ундайди ва чарчоқни камайтиради. Ҳиссиёт асосида ёндашувда эса санъат ва ҳунармандчилик йўналишларида материаллар (лой, мато, бўёқлар) билан бевосита ишлаш орқали болада эстетик дид шаклланади.

Бу борада педагогнинг маҳорати – муваффақият гаровидир.

Қўшимча таълим педагоги қуйидаги сифатларга эга бўлиши керак:

Боланинг ҳолатини тушуниш ва уни қўллаб-қувватлаш қобилияти.

Ижодийлик: ҳар бир дарсни янгича руҳда ташкил этиш.

Мулоқот маданияти: ўқувчи билан тенгдошдек, аммо устоз мақомини сақлаган ҳолда суҳбатлашиш.

Боланинг қобилияти – бу кичик учқун, уни алангага айлантириш эса устознинг маҳоратига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

Дарҳақиқат, қўшимча таълим – бу чегарасиз имкониятлар майдони. Педагог сифатида бизнинг вазифамиз фақат йўналишимиз бўйича кўникма бериш эмас, балки ўқувчини мустақил ҳаётга тайёрлаш, унда ўзига ишончни уйғотишдир. Замонавий технологиялар ва анъанавий услубларни бирлаштириш орқали биз юксак натижаларга эриша оламиз.

**Дилноза МИХИРОВА,
24-сонли А. Жомий номидаги умумтаълим мактабининг қўшимча таълим бериш педагоги.**

# 132 мактабнинг 50таси танловдан ўтди

**Мамлакатимизда хусусий мактабларга талаб кучайтирилади. Давлат таълим масканларига қўйилган талабларга улар ҳам риоя қилишлари шарт.**

Ўқув йили бошида Шимкент шаҳрида 137та хусусий мактаб мавжуд эди. Бугунги кунда 5та хусусий мактаб ёпилди. 50та мактаб махсус танловдан ўтди. Қолганлари турли сабаблар билан синовдан ўтолмаган. Уларга июль ойигача қайта рўйхатдан ўтиш имкони берилди.

Келгусида хусусий мактабларнинг барчасини маҳаллий ҳокимлик молиялаштиради. Биринчи танловдан ўтолмаган мактаблар иккинчи танловга тайёргарлик кўрмоқда. Умуман, Шимкент шаҳридаги хусусий мактабларда 67 минган зиёд бола таълим олмоқда. Хусусий мактабларни рўйхатга олиш e-Qazyna портали орқали олиб борилмоқда.

**М. УСМОНОВА.**

Янги Қозоғистон бунёдкорлари

# ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ – КЕЛАЖАКНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ МАСКАН

**Бугунги дунёвийлашув даврида олий таълим олиш – инсоннинг заковат салоҳиятини намоён этиш, рақобатбардош мутахассисга айлантирадиган муҳим босқичдир. Шу маънода Ал Форобий номидаги Қозоқ миллий университети ҳозирги кунда замонавий таълимнинг янги андазаларини белгилаб бермоқда.**

## ИЛМ ВА ИННОВАЦИЯ УЙҒУНЛИГИ

Қозоқ миллий университетининг асосий куч-қудрати – илм ва инновацияни муваффақиятли бирлаштира олганида. Университет негизида ривожланган илмий мактаблар талабаларга назарий билимлар бериш билан чекланиб қолмай, илмий тадқиқотлар асосида амалий лойиҳаларни ҳам ҳаётга татбиқ этмоқда.

«Қозоқ миллий университети шаҳарчаси» – талабалар ҳаёти қайнаётган илмий ва маданий муҳитдир. Бу ердаги рақамли инфратузилма, замонавий лабораториялар бой илмий жамғармага эга «Ал Форобий» кутубхонаси талабалар учун кенг имкониятлар эшигини очади. Яшил майдон ва қулай муҳит ижодий эркинликка, янги ташаббусларга илҳом бағишлайди.

Бугунги иқтисодий вазият мутахассисдан билим билан бир қаторда дунёвий бозор талабларига мослашувчанликни ҳам талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, университет таркибидаги Иқтисодиёт ва бизнес олий мактаби талабаларга халқаро андазалар асосидаги замонавий таълимни тақдим этмоқда.

Назарий ва амалий тажрибанинг уйғунлигини таъминлаш – бизнинг асосий йўналишимиздир. Дорилфунунда шаклланаётган тафаккур ва инновациялар эртанги кун тараққиётига хизмат қилади.

## ХАЛҚАРО ИМКОНИЯТЛАР ВА ТАЛАБА ҲАЁТИ

Қозоқ миллий университети – бу жаҳонга очилган кенг имкониятлар эшигидир. Дорилфунун дунёдаги етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Бу эса талабаларга академик сафарбарлик дастурлари орқали хорижда таълим олиш ва қўш диплома эга бўлиш имконини беради. Халқаро анжуманлар ва хорижий ОТМлар профессорларининг маърузалари талабаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, уларни дунёвий миқёсда рақобатбардош мутахассис сифатида шакллантиради.

Шу билан бирга, университет нуфузини шакллантиришда талаба ташкилотларининг ўрни беқиёс. Маданий муноазаралар, кўнгиллилар ҳаракати, спорт мусобақалари ва ижодий клублар – барчаси ёшларнинг раҳбарлик қобилиятларини мустаҳкамлайди. Жамоада ишлаш, масъулиятни зиммасига олиш ва вақтни самарали бошқариш кўникмалари айнан шу муҳитда сингади.

Мухтасар қилиб айтганда, университет – ёш авлоднинг орзу ва мақсадлари шаклланадиган, келажакка ишонч билан қадам ташлашга илҳом берадиган катта ҳаёт мактабидир. Бу ерда таълим жараёни фақат аудитория билан чекланмайди – талабалар илмий лабораториялар, тадқиқот марказлари ва инновацион дастурларда фаол иштирок этади. Бу ерда шаклланган қадриятлар ва олинган билим ҳар бир битирувчининг мустаҳкам таянчига айланади. Ушбу масканда таълим олиш – бу юксак масъулиятдир.



**Онажон ОТАЖОНОВА,
Ал Форобий номидаги Қозоқ миллий университетининг "Иқтисод" факультети 4-босқич талабаси.**

**Г. ЕСЕНГЕЛДИЕВА,
университет "Иқтисодиёт" кафедрасининг катта ўқитувчиси, 4-босқич «Иқтисод» факультети талабаларининг маслаҳатчиси.**

# ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАМДА "ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН" ВИЛОЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОРАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН "МУСТАҚИЛЛИК – ФАХРИМ, КЕЛАЖАГИМ" МАВЗУСИДАГИ ЭССЕЛАР ТАНЛОВИНИНГ НИЗОМИ

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом Қозоғистон Республикаси Мустақиллигининг ҳамда "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг 35 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган "Мустақиллик – фахрим, келажагим" мавзусидаги эсселар танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танловнинг мақсади – ёш авлод қалбида ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, Мустақиллик ғояларини кенг тарғиб этиш, ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ва ёзма нутқ маданиятини ривожлантириш.

1.3. Танловда Туркистон вилояти ҳамда Шимкент шаҳар умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари иштирок этадилар.

**2. ТАНЛОВ МАВЗУСИ**

2.1. Танлов мавзуси: "Мустақиллик – фахрим, келажагим".

2.2. Иштирокчилар эсседа Мустақилликнинг аҳамияти, мамлакат тараққиёти, ёшлар имкониятлари, шахсий фикр ва муносабатларини эркин ифода этишлари лозим.

**3. ТАНЛОВ БОСҚИЧИ ВА МУДДАТИ**

3.1. Танлов икки босқичда ўтказилади:

I босқич – туман ва шаҳар босқичи. 16 мартдан 10 апрелга қадар барча туман ва шаҳарларда ташкил этилади. Ҳар бир ҳудуддан 1-ўрин соҳиби (10-11-синфлар орасидан) якуний босқичга йўлланма олади.

II босқич – вилоят (якуний) босқич 16 апрель куни Шимкент шаҳрида ташкил этилади (аниқ манзил қўшимча эълон қилинади).

**4. ЭССЕГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

4.1. Эссе ҳажми: 250-300 сўз.

4.2. Эссе ёзишда қуйидаги талабларга қатъий риоя қилинади:

- шахсий муносабатнинг билдирилиши;
- тезис – калит сўзларни тўғри белгилаш;
- факт, далиллар(аргументлар)дан унумли фойдаланиш;
- назарияга асосланиш;
- атамаларни ўз ўрнида қўллаш;
- цитаталар келтириш;
- турли хил кўзқарашларни мисолга келтириш;
- мантиқий қонуниятнинг сақланиши;
- таққослаш ва хулосалаш усулларидан фойдаланиш;
- саводлилик (услубий, имло, тиниш белгилари);
- фойдаланилган илмий манбаларга ҳаволалар.

4.3. Плагиат ҳолатлари аниқланса, иштирокчи танловдан четлаштирилади.

**5. БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

1) ўқувчининг мавзуни тушуниши, мавзунинг ёритилиши;
2) тезиснинг мавзуга мослиги;
3) эссенинг тузилиши ва мантиқий изчиллик;
4) факт ва далилларнинг мавзуга мувофиқлиги ва қўлланилиши;
5) услуб ва мавзунинг мувофиқлиги;
6) ёзма нутқнинг аниқлиги ва атамаларнинг қўлланилиши;
7) тилнинг бой луғатидан аниқ, ўринли ва самарали фойдаланиш;
8) имло ва тиниш белгилари меъёрларига риоя қилиш.

**6. ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ**

6.1. Ҳакамлар ҳайъати таркибига газетанинг таҳририяти вакиллари ва таълим соҳаси мутахассислари киритилади.

6.2. Ҳакамлар қарори якуний ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

**7. ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ**

7.1. Якуний босқич натижаларига кўра:

I, II, III ўрин соҳиблари Диплом ва қимматбаҳо совғалар, шунингдек, фаол иштирокчилар ташаккурномалар билан тақдирланадилар.

7.2. Ғолибларнинг эсселари вилоят ижтимоий-сиёсий газетасида чоп этилади.

**8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

8.1. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ташкилотчилар ҳал қилади.

8.2. Танловни адолатли ва шаффоф ўтказиш мазкур Низом асосида таъминланади.



# ҚИШ ЧИЛЛАСИДА ЁҚҚАН ЁМҒИР...

**(БЎЛГАН ВОҚЕА )**

Эркин кун бўйи кутубхонада китоб варақлаб, вақтни ўтказди. Диплом иши учун кўп маълумотларни тарихий китоблардан қидириб топиши лозим эди.

У ётоқхона томон йўлга чиққанида кун анча кеч бўлиб қолган, совуқ ёмғир ёғиб турган эди. Ёмғир ва совуқда жунжикиб, сирпанчиқ бўлиб кетган йўллардан сирпана-сирпана ётоқхонага йўл олар экан, ўзича ўйлади: хонага кираману, кўрпага ўраниб, мазза қилиб ухлайман. Қорнимни тўқлаб олганман. Менга ҳеч ким халақит бермайди. Ҳамхонам уйига кетган.

Шундай хаёллар билан эшикдан кириши билан комендант аёл:

– Қаёқларда юрибсан, болам, – деб қўлига телеграмма тутқазди.

Эркин шоша-пиша ёзувларга кўз югуртирди. “Тезроқ етиб кел, онанг оғир аҳволда, сени кутяпти”, деб ёзилганди.

Бошидан оёғигача титроқ кирди. “Нима бўлдийкин, яхшигина юргандику. Ё яна қон босимлари ошдимикан?”. Эркин нима қиларини билмай meровсираб, қўшни хона эшигини тақиллатди. Ўзи билан ўқийдиган Салим чиқиб, савол назари билан қаради. Эркин қўлидаги телеграммани кўрсатди. У бошини чайқай-чайқай, телеграммани ўқиб чиқди.

– Энди нима қилмоқчисан?, – деб сўради.

– Йўлга чиқаман.

– Бугун кеч бўлиб қолди, бунинг устига йўллар тайғоқ, эртага чиқарсан. Самолёт ҳам, поезд ҳам кетиб бўлди, энди эртага бўлади.

– Йўқ, – деди Эркин, – ҳозироқ йўлга чиқаман, эртагача кутолмайман.

Салим Эркиннинг кўзларига қараб унинг аҳди қатъийлигини тушунди.

– Унда сен тушавер, мен кийиниб чиқай, кузатиб қўяман.

Улар Қўйлиқдаги бекатга етиб келишганида кун бота бошлаган, ёмғир ҳамон ёғмоқда эди. Машиналар анча камайган. Бир неча ҳайдовчига учрашишди. Лекин улар:

– Бешариққа бўлса бормайман, аҳволни кўриб турибсиз, йўл масаласи чатоқ, бунинг устига йўлда Қамчиқ перевали бор, – деб кўнмади.

Шу тариқа ярим соатча вақт ўтди, қоронғу туша бошлади. Ниҳоят фарғоналик ҳайдовчи зўрға рози бўлди.

Улар шаҳардан чиқиб, трассага тушгунларича атроф қоронғулик оғушига кўмилди. Машина сирғана-сирғана олға силжийди. Эркин эса бир нуқтага тикилганича, тезликнинг сустлигидан тоқатсизланади. Лекин на илож. Хаёллари қишлоғига кетди. У Бешариқнинг сўлим қишлоқларидан бирида туғилиб, ўсган. Болалиги кўплар қатори ўтди, лекин кўнглидаги бир мунг уни тарк этмасди. Сабаби 5-синфда ўқиб юрган кунларида бўлган фожиа туфайли эди. Ёзги таътилда шундоқ ёнларида бўлган очиқликда турли хил дарахтлар тарвақайлаб ўсган жойдан ўтадиган эгри-бугри сўқмоқ йўл уларнинг севимли маскани эди. 200 метрларга чўзилган бу йўлакдан юқори тезликда машина ҳайдаб кетаётгандек ғизиллаб ўтиш уларнинг жони-дили эди. Бугун ҳам худди шундай. У бошидан бу бошига “машина ҳайдаб” бориб келаётганида қаршисидан синфдоши Акмал чиқиб, уни тўхтатди.

– Ҳой Эркин, тўхта, сенга бир гап айтаман, – деди қичқириб.

– Айт, айта қол тезроқ. Йўлимни чала қолдириб, қоқ ўртада тўхтатдингда, ўзинг ҳам.

– Уйларинг олдида кўп одамларни кўрдим. Улар бирин-кетин ҳовлиларингга кириб кетаяпти.

Бола эмасманми, ҳеч қандай ёмонликни ўйламай уйга қараб югуриб кетдим. Ҳовлимизда қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар йиғилишган. Дод солиб йиғлаётган синглим ва ойимни овутиш билан овора. Дастлаб, ҳеч нарсани тушунмадим.

Менга кўзи тушган онам қучоқлаб:

“Отангдан айрилиб қолдик, болам, отангдан”, дея уввос солиб хўнграб юборди. Мен нима бўлганини англаб, бор овозим билан йиғладим.

– Нега ўлади, ойи. Нега, – дея оёқларимдан дармон кетди.

Холам суяб, пиёладаги сувдан ичказди.

– Ҳа, шундай бўлиб қолди ўғлим. Шўрпешона тақдирларингда шу ҳам бор экан, – деб кўз ёшларини рўмолчасига артди.

Шуларни хаёлидан ўтказар экан, беихтиёр кўзларига қуйилиб, ёш келди. Қоронғуда буни ҳайдовчи сезмади.

Дадамни кун ботиш чоғи тупроққа топширдик. Таъзияга жуда кўп одамлар келишди. Дадам ҳайдовчи эди. Бешариқдан Тошкентга одам таширди. Тонг саҳарда, баъзан кечаси ҳам йўлга чиқарди .Бир кунда бориб келардилар. Уч кун олдин Тошкентдан келган тўрт меҳмон эрталабгача биз уйда бўлишимиз керак, – деб қўярда-қўймай, дадамнинг машинасига ўтириб, йўлга чиқишибди. Кечаси кўзи илиниб кетиб, машина жарликка ағанабди. Яроқсиз машинадан уч кишининг жасадини зўрға чиқариб олишибди.

Бу воқеа онамни тез қаритиб қўйди. Мен ўғил боламан, йиғлайверишга ийманаман. Лекин онам билан синглимнинг оҳу-зори еру-кўкни титратгудек эди. Пировардида улар ҳам тақдирга тан беришди.

Ойим бизни оқ ювиб, оқ тараб, камчиликсиз ўстирди. Еб-ичиш, кийинишда ҳеч кимдан кам бўлмадик. Онам ўқитувчи эдилар. Лекин кўнглимнинг бир чети кемтик. Кечалари кўрпага бурканиб, ўксиниб-ўксиниб, ҳеч кимга сездирмай, унсиз йиғлардим. Мактабни тугатиб, бирор ишга кирмоқчи бўлганимда онам унамадилар.

– Даданг раҳматлик ўғлим билан қизимни, албатта, ўқитаман, деган ниятларини рўёбга оширайлик. Арвоҳлари шод бўлсин, – деб ўқишга йўлладилар.

Мен университетнинг журналистика бўлимига ҳужжат топширдим. Омадни қарангки, танловдан ўтдим. Ўқиш даври мени оламга бошқача кўз билан қарашни ўргатди. Барчага яхшилик қилишга ҳаракат қилиш одатимга айланди. Шундай хаёллар оғушида машина бирдан қаттиқ чайқалди. Машина ғилдираклари сирғаниб, икки марта айланиб, йўлга кўндаланг туриб қолди. Мен ўзим билган калималарни ўқий бошладим. Шофёр ҳам шошиб, эсанкираб қолди. Озгина сув ичгач, нафасни ростлаб, машинани авайлаб йўлга солди. Янада секинроқ юра бошлади. Шунда Эркиннинг кўзи илингандай бўлди. Туш кўрибди. Тушида онаси ўлиб қолганмиш, лекин қўли билан имлаб, уни ёнига чақирармиш. Сесканиб кўзини очган Эркин ҳайдовчининг жон ҳолатда “Тез машинадан ўзингни ташла”, деган овозини эшитди. Лекин, эшик тутқичини ушлашга улгурмай, машина тубсиз жарга қулади...

...Эртаси куни Бешариқнинг ўша сўлим қишлоғидаги мўъжазгина уй олдида жаноза намозида икки тобут қатор қўйилди. Не ҳасратлар билан ўстириб, роҳатини кўраманми, деганда оғир дардга чалинган, ҳатто сўнгги видолашувга келаётган фарзандини кўриш орзуси ушалмаган муштипар она ва унинг дийдорига шошилган, йўлда фожиага дучор бўлган ўғлининг тобути.

Муштипар она ягона ўғли Эркинни кута-кута тонгга яқин омонатини топширган эди.

Эй, Яратган эгам. Ҳамма нарсага ўзинг қодирсан. Она ва боланинг бир кунда ерга топширилиши ҳам сенинг ҳукмингдир. Бандалар ожиз. Жаноза намозидан сўнг, тобут кўтарилаётганда бир йўла онаси ва акасидан жудо бўлган, заиф жуссасига қулаган тоғдек мусибатга аранг дош бераётган кўнгли ярим қизнинг қўш қанотидан айрилган қушдек: – Энди қандай яшайман, – деган юракларни тилкалаган нолалари атрофни ларзага солди. Кўзига ёш олмаган, йиғламаган одам қолмади.

Дафн чоғи сусайган ёмғир яна авжига минди. Кучли ёмғирга қарамай, мотамсаро хонадонга ҳамдардлик билдирувчи одамлар оқими тўхтамади.

**Қодир АҲМЕДОВ,**
**Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.**

# ДЕНСАУЛЫҚ – БІРІНШІ БАЙЛЫҚ

**Қызылша – бұл өте кең түрде таралған инфекциялық ауру. Көбнесе балаларда кездеседі. Оның белгілері дене қызуының көтерілуі, мұрынның, көздің және тамақтың шырышты қабығы қабынып, теріде бөртпелер пайда болады. Қызылша – қазіргі таңда ең жұқпалы аурудың бірі болып табылады.**



**Ауру себептері:** инфекция ауа жолы арқылы беріледі. Вирус сыртқы ортаға сөйлеген кезде түкірікпен, жөтелген, түшкірген кезде бөлінеді. Вирустың таралуы сыртқы ортаның тұрақсыздығына қарамастан, ауа толқынымен ғимараттың вентиляциялық жүйесі арқылы таралған жағдайлары белгілі. Инфекция көзі – ол айналадағыларға 2 күн инкубациялық кезеңнен 4-ші күнгі бөртпелер шығып ауырған адам. Ал 5-ші күнгі бөртпелері бар адам жұқтырмайды деп саналады. Бұл аурумен ауырып жазылған адам өмір бойы иммунитетін сақтайды. Қызылшамен ауырған аналардан туылған балалар 3 айға дейін бұл ауруға шалдықпайды, өйткені осы аралықта олардың қанында аналық антиденелер сақталады. Бұл аурумен ауырмаған және егілмеген адамдар қызылшаны жұқтыруға бейім болады және өзінің өмірінде кез-келген жаста ауырып қалуы мүмкін.

**Қызылшаның белгілері:** Бұл аурудың инкубациялық кезеңі жұқтырғаннан кейін бірінші белгілері пайда болғанға дейін, яғни 7 күннен 14 күнге дейін созылады. Есте сақтайтын ең маңызды жайт ауру бөртпе шығудан басталмайды, ол суық тию белгілерімен басталады: дене қызуының 38-40 градусқа көтерілуі, әлсіздік, тәбеттің болмауы, құрғақ жөтел, мұрынның бітуі. Кейініректе конъюктивиттің (көздің шырышты қабығының қабынуы) пайда болуы. Шамамен бірінші белгілердің шыққанынан 24 күннен кейін беттің шырышты қабығының (азу тістерінің қарсысында) ұсақ ақ дақтар пайда болады. Аурудың 3-5 күні ашық түсті бір-біріне ұқсап кететін дақтар пайда болады. Ең алдымен олар құлақтың артында және маңдайда, содан кейін тез арада бет, мойын, дене және аяқ-қолға таралады. Ұсақ қызғылт дақтар тез арада үлкейіп, формасын өзгертіп, бір-біріне қосылып кетеді. Бөртпелердің қалың шыққан кезеңінен 2-3 күн өткеннен кейін дене қызуы қайта көтерілуі мүмкін. Бөртпелер 4-7 күн сақталады. Дақтардың орнында қоңыр пигменттер қалады, олар 2 аптадан кейін кетіп, тері қайта таза болады.

**Қабынулар:** Қабыну балаларда 5 жасқа дейін, ал 20 жастан асқандарда жиі дамиды. Ең көп тараған түрі ортаңғы құлақтың қабынуы (отит), соқырлық, бронхтық пневмония, мойын лимфоузолдарының қабынуы, ларингит, энцефалит.

**Қызылшаның алдын алу:** алдын алудың ең тиімді және сенімді әдісі вакцинация болып табылады. Қызылшадан егу вирусты жасанды жолмен тоқтату, нәтижесінде ағза өзін қорғайтын иммунитет жасайды. Ең алғашқы вакцинацияны балаларға 12 айлығында, екіншісі 6 жаста жасалады. Қазіргі күнде қызылша ауруының өршіп түруына байланысты 6-11 айлық балалар арасында қызылшаға қарсы жаппай иммундау жүріп жатыр.

**Тұрғындарға айтарымыз:** қызылша ауруын желшешек (ветряная оспа) ауруымен жаңылыстыруға болмайтынын ескертеміз.

**Сохибжамол САЛИМБАЕВА,**
**Шыпан дәрігерлік амбулаториясының егу мейірбикесі.**
Сауран ауданы.

Хотира – муқаддас

# МАТЕМАТИКА ФАНИНИНГ МОҲИР УСТОЗИ ЭДИ



**Муқаддас рамазон ойида Кентовдаги 17-сонли А. Навоий номли мактабда математика фани устози бўлиб самарали меҳнат қилган, муносиб шогирдлар тайёрлаган нафақа ёшидаги ҳурматли ҳамкасбимиз Марҳабо Хўжанд қизи Ёқубова оламдан ўтди.**

М. Ёқубова 1950 йили 17 августда туғилган. Қарноқ қишлоғидаги ўрта мактабни аълога тамомлаб, устоз бўлиш орзусида Тошкент Давлат университетининг математика факультетига ўқишга кирди. Илк меҳнат фаолиятини йўлланма билан Андижон шаҳрида ўқитувчи бўлиб бошлаган. 1975 йилдан Кентов шаҳридаги 17-сонли мактабда математика ўқитувчиси бўлиб фаолиятини давом эттиради. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида 33 йил самарали меҳнат қилиб, 2008 йили фахрий ҳордиққа чиқди. Меҳнатлари шаҳар, вилоят таълим бўлимлари, ҚР Таълим вазирлиги томонидан муносиб тақдирланган.

Фарзандлари Нодира ва Гулноралар она изидан бориб, устозлик касбини эъзозлаб, эъзоз топмоқда. Тўнғич қизи Нодира Туркистондаги Р. Исетов номли мактабда рус тили фанининг тажрибали ўқитувчиси. Кенжа қизи Гулнора ҳам олийгоҳни тамомлаб, Туркистон шаҳридаги А. Навоий номли мактабда тарих фанидан ёш авлодга сабоқ бермоқда. Ўғли Аҳрор эса ишчан тадбиркор. Ширин-шакар невералар зиёли оиланинг ишончи ва қувончи.

Математика фанининг моҳир устози, кўплаб иқтидорли шогирдлар тарбиялаган марҳума Марҳабо Хўжанд қизининг нурли хотираси мактабимиз устозлар жамоаси ҳамда ўзи тарбиялаган юзлаб иқтидорли шогирдлари қалбида барҳаёт.

**Лутфия АМИНОВА,**
**Марҳабо ДЎСМЕТОВА.**

# МАНГУ ЁДИМДАСИЗ...

**Кентов шаҳри, Қарноқ қишлоғида умргузаронлик қилган Гулчеҳра Турсун қизи Вафоева ҳаёт бўлганида бу йил 63 ёшни қарши олган бўларди. Оила аъзолари номидан битилган ушбу шеърий сатрлар марҳуманинг порлоқ хотирасига бағишланади.**

## СИЗНИ СОҒИНДИК, ОНА

Дунёга келганди Гулчеҳра бўлиб,
Чеҳраси қуёшнинг нуридай тўлиб.
Ҳали тўймай ҳаётда хуш сабога,
Ажал етаклади дорулбақога.

Аввал-охиримиз ҳукми Худодир,
Тан борки, жонидан бир кун жудодир.
Дунёга меҳмонмиз, йўлимиз қисқа,
Ёмони – умрга йўқ такрор, нусха.

Хотирага тўймас экан кўнгиллар,
Юрак меҳрингизга тинмай талпинар.
Ҳар нафасда исмингиз янграр, она,
Жимжит йиғлар уйимизда ҳар хона.

Ҳовлида невара – ўғил, қизчалар,
Сизнинг аксингизда яшнар чеҳралар.
Қалбда соғинчларга топмаймиз даво,
Афсус... сизни бехос чақирди бақо...

# ЁЗМИШДАН ЎЗМИШ ЙЎҚ ЭКАН



**Шуҳрат Наби ўғли Абдуллаев (тасвирда) Қарноқ қишлоқ округи таркибидаги Чоштепа қишлоғида 1968 йили 2 декабрда Наби ота ва Рухсора ая хонадонида таваллуд топди.**

Кентов шаҳридаги А. Навоий номли мактабда ҳамшира бўлиб ишлаётган умр йўлдоши Дилором Эргаш қизи билан муштарак ҳаётлари давомида Шаҳзод ва Дилшод исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, ширин-шакар невералар кўрган бахтли оила соҳиби эди.

“Жанубий Қозоғистон” нашрини ҳар ҳафта Кентов шаҳридаги умумтаълим мактабларидаги муштарийларга етказишда масъулияти ила танилган фидойи юртдошимиз март ойининг 10 санасида тўсатдан фонийдан чин дунёга рихлат қилди. Ёзмишдан ўзмиш йўқ экан. Эндигина эллик саккиз кўкламни кўрган Шуҳрат Наби ўғлининг ҳаётда орзу-умидлари мўл эди. Охирати обод бўлсин!

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

# РАМАЗОН ОЙИДАГИ РИХЛАТ



**Фаол обуначимиз, Туркистон шаҳри, Бирлик шўъбасининг биринчи раҳбари, ҚР Фахрий фуқароси Тойир Абдувалиев хонадонига укаси, Тошкент вилояти Чиноз тумани турғуни Эркин Бобохон ўғли (тасвирда) вафоти муносабати билан шаҳар ва тумандаги қишлоқлардан келган фаоллар биргаликда таъзияга бордик.**

– Бирор жойи оғримаган, соппа-соғ укамиз ҳаёт бўлганида шу йил 70 ёшни қаршиларди. Вафоти арафасидаги оқшомда ифторликдан сўнг барчамизга қўнғироқ қилиб, батафсил ҳол-аҳвол сўрашди, рўзамиз қабул бўлишини тилади. Ҳар тонг саҳарликка ўзи уйғониб, рўза тутарди. Мунаввар рамазон ойи кечасида омонатини Аллоҳга топширган рўзадор укамизнинг охирати обод бўлсин.

“Жанубий Қозоғистон” газетасида Рўзмат Камолов, Райимжон Қўчқоровлар бунёд этган масжидларда ўтган тадбирларда қайд этилган исломий қоидалар асосида дафн маросимларини ўтказдик, – деди Тойир Абдувалиев.

Эркин Бобохон ўғли 1956 йили Туркистон шаҳрида туғилган. Тошкент вилояти Янги йўл туманидаги 75-сонли мактабда ўрта маълумот олди. Сўнг Чиноз тумани “Чиноз” наслчилик-совхоз техникуми ветеринария бўлимида таҳсил олди. Ҳарбий хизматни Совет Армияси сафида Венгрия давлатида танк дивизиясида ўтади. 1978-1998 йилларда совхозда ветврач, 1998-2011 йил оралиғида коллежда ўз соҳаси бўйича ўқитувчи бўлиб ишлади. 2016 йилдан фахрий ҳордиқда. Ўз касбининг етук мутахассиси сифатида жамоада обрўси баланд, жамоат ишларида фаол эди.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

Кентов шаҳридаги обунада фаол Алишер Навоий номли мактаб жамоаси, касаба уюшмаси қўмитаси ҳамшира Дилором Эргаш қизига умр йўлдоши

**Шуҳрат Наби ўғли АБДУЛЛАЕВ-**

нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Туркистон шаҳридаги Алишер Навоий номли 13-сонли мактаб-гимназияси жамоаси, касаба уюшмаси қўмитаси тарих фани ўқитувчиси Гулнора Мадалиевага волидаи муҳтарамаси

**Марҳабо Хўжанд қизи ЁҚУБОВА-**

нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Туркистон шаҳридаги Расул Исетов номли 20-сонли умумтаълим мактаби жамоаси, касаба уюшмаси қўмитаси рус тили фани ўқитувчиси Нодира Эрназаровага, бош ошпаз Аҳрор Маменовга волидаи муҳтарамалари

**Марҳабо Хўжанд қизи ЁҚУБОВА-**

нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб таъзия изҳор қилади.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**



Тадбиркор – элга мададкор

# БАРАКА ТОПАЁТГАН АЁЛ

**Минглаб ходимлар ишлайдиган улкан корхонада раҳбарлик масъулияти билан ҳам оила-рўзғор ташвишларини, ҳам ўз шахсий қизиқишларини бирдек фаолиятга айлантириб келаётган бу муваффақиятли аёл билан таништиришни мақсад қилдик. Унинг феъл-атвори, ҳаётдаги қизиқишлари ва эришаётган ютуқлари ўзидан кўнгли тўлмай ўтаётган айрим фуқароларимиз учун илҳом ёки далда бўлиши, шубҳасиз.**

***Дилафрўз Мадиева.*** *“Ленгер групп” компанияси ва “Балмұздақ” МЧБ таъсисчиларидан бири, “Woman’s day”, “Business class” хотин-қизлар клублари аъзоси, “Respublica” партияси минтақавий кенгашининг аъзоси, партиянинг Шимкент филиали ҳузуридаги “Re Women” хотин-қизлар ҳамжамияти раисининг ўринбосари, ҚР “Атамекен” Тадбиркорлар палатаси ҳузуридаги Ишбилармон хотин-қизлар кенгаши аъзоси, ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси ўринбосари, Ишбилармон хотин-қизлар клуби етакчиси.*

*Дилафрўз Давлатбек қизи яқинда ҚР “Атамекен” Тадбиркорлар палатаси ҳузуридаги Ишбилармон хотин-қизлар кенгашининг 10 йиллиги медали билан тақдирланди.*

**– Газетхонларга ўзингизни таништирсангиз.**

– Ёшим 45да, Шимкент шаҳрининг, Ҳамза даҳасида истиқомат қилган Давлатбек ва Мавлуда Мадиевлар оиласининг тўнғичи фарзандиман. Падари бузрукворим автосервисда ишлаган, кейин автоқисмлар дўкони соҳиби бўлди. Онажоним олий маълумотли, Самарқанддаги университетда озиқ-овқат саноати технологи ихтисослигини эгаллаган. Болалигим ота-она меҳри ва эътибори оғушида ўтди. Ўзимни доимо маликалардек ҳис қилардим. Ниҳоятда меҳрибон, оилапарвар инсон эди падари бузрукворим. Ҳимоячим, маслаҳатчим, далда, ишонч берувчи, руҳимга қувват бағишловчим эди...

Ёдимда, 1-синфга ўқиш-ёзишни билган ҳолда, тайёр бўлиб борганман. Бу эса онамнинг хизматлари, астойдил ҳаракатлари эди. Бадиий гимнастикадан 2-разряд соҳибаси, шахматдан шаҳар мусоқабалари ғолибаси эдим. Баскетбол, гандбол, дзюдо билан шуғулланардим. Спорт тўгаракларининг ашаддий мухлиси бўлишимга қарамай, ўқишни бир зум ташлаб қўйган эмасман. Ҳамза номидаги 42-сонли мактабни аъло баҳолар билан тамомладим. Отам ҳар қандай шароитда ҳам мени тўгаракларга, курсларга олиб борарди. Бунинг учун вақт ҳам, имконият ҳам топарди. Айниқса, отам менинг катта лавозим соҳибаси бўлиб, шахсий кабинетда фуқароларни қабул қилишимни орзу қиларди...

Н. А. Шайкенов номидаги Қозоқ Давлат ҳуқуқшунослик академиясига “Суд-прокуратура” факультетини тамомладим. (Ҳозир академия университетга айланган ва Алмати шаҳрида жойлашган).

**– Ҳуқуқшуносликни танлашингизга нима сабаб бўлди?**

– Мендаги шижоат, ғайрат, ўзимга бўлган ишонч шу қадар кучли эди-ки, ўзимни доим судья, прокурор сифатида тасаввур қилардим. Факультетимизда ҳам фақат судья, прокурор, терговчиларнинг фарзандлари ўқишарди. Гуруҳимизда менгина бошқа “тоифа”дан эдим... Хуллас, талабалик бахти насиб этди, лекин муаммолар ҳам бошланди. Ўзбек мактабида ўқиганман, рус тилини ўрта даражада биламан. Европа гуруҳида эса фақат русча ўқиш керак, қолаверса, ҳуқуқшунослик мураккаб соҳа. Лекин... Ота-онамнинг ишончини оқлаш, ўзимга талабчанлик ҳисси мени кутубхоналарда соатлаб қолиб кетишга мажбур қиларди. Ҳам дарс тайёрлардим, ҳам бир вақтнинг ўзида рус тилидан қўшимча машқ олардим. Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш. Шундай кунларда ота-онам: “Қизим, қўлингдан ҳаммаси келади, ҳеч қўрқма, фақат олға!”, деб далда беришарди. Дарҳақиқат, мен оддий талаба бўлиб қолмадим, балки Талабалар деканатида декан ўринбосари, Парламентда етакчи, “Техасские Бездельники” номли ҚВЗ(КВН) жамоасининг фаол иштирокчиси эдим.

Академиядаги анъаналарга кўра муҳтож, эҳтиёжманд одамлар, адвокат, ҳуқуқшуносларга ҳақ тўлашга қурби етмайдиган фуқаролар учун бепул маслаҳатлар беришарди. Мен шу ерда фаол маслаҳатчилардан бири эдим. Ўқишим тугаб, ишга жойлашадиган пайт келди. Унгача амалиётни суд-тиббий-экспертиза тизими, суд, прокуратура, адлия идораларида ўтадик. Менга Адлия департаментининг ФҲДЁ(ЗАГС) идорасида ишлаш ёқди. Ниятим ушалиб, вилоят фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идораси раҳбари Рўза Шинжирбаева етакчилигида меҳнат фаолиятимни бошладим. Устозим Рўза Мирзабайқизининг қаттиққўллиги, талабчанлиги, муҳими, ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони эканлиги мен учун кучли тажриба мактаби вазифасини ўтади. Кейин вилоят суди судьяси Шарипа Назарбекова каби ажойиб инсонга шогирд тушдим. Судья котибаси сифатида фаолият юритдим. Раҳбарим соҳада юксалишимни истади ва қўлидан келган ёрдамини аямади. ФҲДЁда ҳам, судда ҳам кўп ишлаш насиб этмади, шунга қарамай, бу давр ҳаётимдаги энг ёрқин саҳифалардан бўлиб қолади. 2004 йилда нотариус ёрдамчиси сифатида фаолиятимни давом эттираётганимда, бўлажак турмуш ўртоғим Элёр Турдиевни учратдим ва шу билан ҳуқуқшунос сифатидаги фаолиятим вақтинча тўхтади. 2009 йилда эса Астанада имтиҳон топшириб, нотариус лицензиясини олдим. Лекин фарзандлар парвариши билан банд бўлиб, ундан фойдалана олмадим.

**– Шахсий ҳаётингиздан гапира оласизми?**

– Албатта. Турмуш ўртоғим “Балмұздақ” МЧБ раҳбари Элёр Турдиев билан беш фарзанднинг ота-онасимиз. Тўнғичимиз Диана Сеулдаги (Корея) нуфузли университетда “Маъмурий бошқарув ва менежмент” соҳасини ўрганмоқда. Швециялик компания билан қўшма лойиҳани амалга ошириб, бизнесимиз ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпти. Ўғлимиз Нодиршоҳ Канадада мактабни тамомлаб (2 йил шу мактаб президенти бўлган), айни пайтда Лос-Анжелесдаги Жанубий Калифорния университетида халқаро бизнес бўйича ўқимоқда. Мадина, Муҳаммад Юсуф ва Муҳаммад Мустафо “Farabi International School” халқаро мактаби ўқувчилари. Фарзандларимга ота-онам берган тарбия сабоқларини сингдиришга ҳаракат қиламан: “Ҳеч қачон тўсиқ-муаммолардан қўрқманг, кучли ва иродали бўлинг, фақат олға! Албатта, уддалайсизлар!”.

**– “Балмұздақ”га қачон келдингиз?**

– 2020 йилда. Корхона йилдан йилга кенгаймоқда, турмуш ўртоғимга суянчиқ бўлишим керак эди. Унинг асосий фаолияти сафарлар, учрашув, музокара, кўргазмалар билан боғлиқ. “Балмұздақ” МЧБ шунчаки бир завод эмас, у иш қайнаб ётган бутун бошли бир тизим. Халқаро бозорга чиқаётган корхона. Қозоғистон музқаймоқ бозорининг 40 фоизини эгаллаган, халқаро андазаларга эга улкан инновациявий саноат ва бизнес мажмуаси. Халқаро майдон, яъни Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Хитой каби мамлакатлардаги соҳавий кўргазмалардаги иштирокининг ўзи унинг мавқеини белгилайди. Яқинда Германия ва Дубайда ўтадиган жаҳон кўргазмаларига тайёргарлик кўряпмиз. 800 ходим заводнинг ўзида ишлайди. Қозоғистондан ташқари, Хитой, Тожикистон, Ўзбекистон, Россияга ҳам маҳсулотларимиз экспорт қилинмоқда, у ердаги вакилларимиз, савдо уйлари, транспорт-логистика нуқталари, харид бўлимлари, ускуна, реклама, тижорат, мижозларга хизмат кўрсатишда фаолият юритаётганлар сони 2000 нафардан ошиб кетади. Минтақадаги энг йирик солиқ тўловчилардан биримиз. Шундай улкан иншоотда замонга мос тизимли иш юритилмаса, бошқарув бўлмаса, мағлубиятга учраш ҳеч гапмас.

**– Сир бўлмаса, компанияни омадли қилаётган қайси жиҳатларни айта оласиз?**

– Аввало, ҳалоллик. Бизда истеъмолчи ҳаққига хиёнат қилиш, сохталик, ғирромлик йўқ. Тўлебий туманининг 1 Мамир қишлоғида жойлашган бу корхонага 1987 йилда қайнотам Адахон Турдиев асос солган. “Эскимо”нинг 2та тури, 8 ходим билан иш бошлаган эди. Узоқ йиллар давомида, “Ленгерское” маҳсулотини замонларнинг бетизгин тўлқинларидан омон-эсон олиб чиқиб, ишончли қўлларга топширди. Мана энди уни малакали қадрдон жамоа ва раҳбари республика музқаймоқ ишлаб чиқариш соҳаси етакчиларидан бирига айлантирмоқда. Музқаймоқнинг 300га яқин тури, шоколад конфетининг 9 тури, ярим тайёр маҳсулотларнинг (чучвара ва хамирли таомлар) 23 турини ишлаб чиқарамиз. Бу мавсумда 19та янги ассортиментни бозорга чиқармоқчимиз. 2 йил аввал австрияликлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, “Сальера” музқаймоғини яратдик. Табиий шарбатлар қўшилган бу маҳсулот ўта нозик, ихтисослашган ускуна, масаллиқ ва алоҳида эътиборни талаб этади. Бу йилги мавсумда ушбу нодир таъмга эга музқаймоқ нозиктаъб истеъмолчига тақдим этилади. Агар Қозоғистондаги музқаймоқ бозори таҳлилига эътибор берсак, 2005 йилда 12 тонна музқаймоқ экспорт, 12 тоннаси импорт қилинган, 10 йил ичида эса тармоқ кенгайиб, экспорт 14 000 тоннадан ошди, импорт ҳажми сезиларли қисқарди. Бу ижобий кўрсаткични мутахассислар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссаси сифатида, деб баҳолашмоқда. Ҳа, маҳаллий бренд “Балмұздақ” ҳам кенгайди, ўнлаб мамлакатларга экспорт қилиш, халқаро бозорларни эгаллаш имкониятини қўлга киритди, рақобатбардош бўлди. Бу натижага аввало, замонавий ускуналар, илғор технологиялардан фойдаланиш, шунингдек, юқори сифатли соф экологик маҳсулот турлари туфайли эришдик. Вилоят бўйича “Энг яхши сут маҳсулотлари”, “Энг яхши маҳсулотлар”, “Аҳоли учун энг яхши маҳсулотлар” номинациялари ғолиби, СТРК ИСО: 9001:-2001 халқаро сифат сертификатига эга. “Халал Даму”, “QMDB HALAL” сертификати эса хорижга эркин экспорт имконини бермоқда. Дарвоқе, чучвараимиз таркибини текширган халқаро вакиллар уни бутун Марказий Осиё бўйича энг тоза гўштли ва мазали деб баҳолашди.

**– Хайрия ишларига тўхталсангиз.**

– Бу ҳақда, одатда айтмаганимиз маъқул, риёкорлик, деб ҳисоблаймиз. Лекин бир имом ибрат тариқасида хайрия ишларимизни овоза қилишимизни маслаҳат берди. Оилавий бизнесимиз равнақидан ташқари, бутун ҳаётимизни ҳам хайр-эҳсонсиз тасаввур қила олмаймиз. Барча байрам, тадбирларда бу йўналишга мўмай маблағ сарфлаймиз. Тўлебий туманида масжидлар, мадраса, кўприк, йўллар қурилишида, мактаблар таъмирида ҳиссамиз бор.“Бизнеснинг ижтимоий масъулияти” доирасида 1 Мамир қишлоқ округи ҳокимлик биносини қуриб берганмиз. 200 нафар камхарж оила фарзандлари таъминотини зиммамизга олганмиз. Ногирон болаларни парвариш қилаётган муассасаларнинг бош ҳомийсимиз. Етим болалар дам олаётган лагерларга мунтазам равишда музқаймоқ етказиб турамиз. Бундан ташқари, ўз ишчи-ходимларимизнинг уй-жой, саломатлик масалалари, молиявий муаммолари доим диққат-эътиборимизда. Ягона оиладек, жамулжам ишлаб, жамоа ички муҳитини барқарор сақлаш учун энг аввало, ходимлар эҳтиёжларини қондириш, манфаатларини инобатга олиш керак. Бу бошқарувдаги асосий қоидаларимиздан бири. Ҳар куни камида 20-30 одам қабулимга кириб, муаммосини айтади. Мен эса, бир вақтлар отажоним орзу қилганидек, имконим етгунча, уларнинг дардини тинглашга ва масаласини ижобий ҳал қилишга киришаман...

**– Раҳбарлик фаолиятингизда, жамоа бошқаришда кимнинг ёрдамига таянасиз?**

– Турмуш ўртоғим – энг яхши устозим, беминнат маслаҳатчим. Қолаверса, қайнота-қайнонам. Уларни улуғ ва мўътабар инсонлар деб биламан. Улар ҳаётда босиб ўтган йўлни ҳозир менга берсалар, ўта олмасам керак. Қайнонам Қутбинисо ая ҳеч танбеҳ бермаган, аксинча, доимо алқаб, қадрлаб, асраб-авайлаб келган, менга меҳри ўзгача. Улар билан фахрланаман, соғ-саломат бўлишсин, илойим...

**– Ишларингизга омад, мазмунли суҳбат учун раҳмат!**

**Н. МАВЛОНОВА.**

## Шоҳбайт



**ЎЗУНГА АБЛАҲУ НОДОННИ АЙЛАМА ҲАМРОЗ,**
**КИ, ЯХШИ ЭРМАС ЭШАК ДОҒИ ҲАМСАБОҚЛИККА.**

**Алишер НАВОИЙ.**

*(Мазмуни: аҳмоқ ва нодон кишилар билан сирдош бўлма, кишининг эшак билан ҳамсабоқ бўлиши яхши эмас).*

## Дафтар ҳошиясидаги битиклар




**ДОНО ВА НОДОН**

Доно нодондан ўзини бир поғона қуйи тутса, ҳайрон бўлманг. Тарозининг юкли палласи бўш палладан пастроқ туради.

**ОРЗУ**

Қани энди, қайтадан гўдакка айланиб қолсанг-да, ўйлаганингни қўрқмасдан айтаверсанг!

**ОЗЧИЛИК ВА КЎПЧИЛИК**

“Озчилик кўпчиликка бўйсунади!”. Ёқимли шиор! Оммабоп шиор!

Фақат... Худо ҳаққи, бир нарсани ҳеч тушунолмайман: дунёда донолардан кўра нодонлар, истеъдодлилардан кўра иқтидорсизлар ҳамиша кўп бўлган. Демак... Узр... у ёғига ақлим етмай қолди...

**ҚОИДА**

Балиқ бошидан сасийди. Аммо уни думидан тозалайдилар...

**Ўткир ҲОШИМОВ.**

## ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ

***Одамни икки иш ҳалок қилади: бири – халқ орасида иззатли бўлишга интилмоқ, иккинчиси – камбағалликдан қўрқмоқ. Ҳар кишининг кўнгли шикаста бўлса, шайтон унинг яқинига йўламайди.***

**Суҳайл ибн АБДУЛЛОҲ.**

***

***Кишида тавозе***
***ақлдан дарак,***
***Улуғлик карамдан***
***топади безак.***

**Носир ХИСРАВ.**



*Бизда табиий танланишнинг тескариси содир бўлмоқда: энг талантсиз, ҳеч нимага арзимайдиган, ношуд ва бағритошлар яшаб қолмоқда; энг кучли, истеъдодли, ақли бунёд этиш ва қалби ғайрат-шижоатга тўла одамлар эса ҳалок бўлмоқда.*

*Чунончи, ташқаридан қарагандан бу жараён стихияли, тартибсиз, ўз-ўзидан содир бўлаётгандек ва қайсидир маънода табиийдек кўринса-да – бу табиий эмас, сунъий танланишдир.*

***Юрий НАГИБИН, ёзувчи.***



*Мен диққат билан тинглашни яхши кўраман. Мен одамларни тинглаб ҳаёт билан боғлиқ кўп нарсаларни ўргандим. Афсуски, айрим кишилар ҳеч қачон тингламайдилар...*

**Эрнест ХЕМИНГУЕЙ.**



*“Бирон сатри ошиқлар дафтарига тушмаган шоирни шоир демайман...”*

**Саид АҲМАД.**

## Мукофотлаш бобида

- *Баъзан мукофотлар шундай тақсимланадики, энг кўп меҳнат қилганлар охирида фақат қарсак чалиш вазифасини олишади.*
- *Айрим мукофотлар шунчалик адолатли топшириладики, уларни кўрган меҳнаткашлар кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай қоладилар.*
- *Мукофотлар меҳнатга берилмайди, дейиш нотўғри – ахир меҳнат қилганлар мукофотни томоша қилиш учун анчагина меҳнат қилишади.*
- *Адолатли мукофотлаш ҳақида тинимсиз гапирилади, фақат мукофот бериладиган пайтда негадир бу гаплар таътилга чиқиб кетадигандай, кўздан ғойиб бўлади.*
- *Айримлар мукофотни нотўғри бермадик дейишади – тўғри, улар шунчаки “ўз одатларига содиқ қолдилар” холос.*
- *Баъзи мукофотлар ғалабани эмас, тизимдаги аччиқ адолатсизликни кўрсатади.*

**Лола ХУШВАҚТЗОДА.**

Табобат

## ЮРАК УЧУН ФОЙДАЛИ ТАВСИЯЛАР



- Ҳар куни кечқурун 10 дона ўрик қоқини яхшилаб ювиб, 1 литрли банкага солиб, устига қайнаган сув қуйилади. Банка оғзи ёпилади. Нонуштадан ярим соат олдин тайёр бўлган шарбат ичилади ва меваси ейилади.
- Кечқурун уйқуга ётишдан аввал 200 грамм қайнатилган сувга 1 ошқошиқ асал солиб ичилади.
- Ҳар куни 100 грамм сузма ейиш ҳам юракни бақувват қилади.
- Ҳар куни 2 дона ширин олма ва помидор истеъмоли ҳам юрак фаолиятини яхшилайди.



## ҚИЗИЛЧАЛИ КЕФИР

**Фойдали хусусиятлари:**

- Жигарни токсинлардан тозалайди;
- Жигар учун фойдали ҳисобланади;
- Ичакларни микроблардан тозалайди;
- Уйқуни яхшилайди;
- Ёғларни эритиб, озишга ёрдам беради.

**Тайёрлаш:** *100 гр лавлагини блендерда майдалаб, 100 гр кефир билан аралаштирилади, 3-4 соат тиндирилади. Ҳар куни кечқурун 7-10 кун давомида ичилади.*

**Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари: **Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

**Масъул шахслар:**

*Туркистон, Саврон* – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22
*Қазиғурт* – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42
*Сайрам* – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
*Тулкибош* – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71
*Жетисай, Мақтарал* – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
*Келес, Сариоғоч* – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
*Кентов, Сўзоқ* – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10700 нусха.

Буюртма: 538.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.

*Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
*Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*